

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР  
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛарнинг  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛарнинг  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

“Тасдиқлайман”  
Тармоқ маркази директори  
Н.А.Муслимов  
“ ” 2015 йил

**“ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА  
СТРАТЕГИЯЛАРИ” МОДУЛИ МАЪРУЗА  
МАТНЛАРИ**

**ТУЗУВЧИ: п.ф.н., доц. Б.Х.Ходжаев**

**ТОШКЕНТ – 2015**

## **МУНДАРИЖА**

ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ .....	3
МАЪРУЗАЛАР МАТНИ.....	12
1-МАВЗУ. ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ОМИЛИ СИФАТИДА. ....	12
2-МАВЗУ. ШАХСГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ИНТЕРФАОЛ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ.....	20
3-МАВЗУ. ЎҚИТИШНИНГ МУАММОЛИ-ИЗЛАНИШГА ДОИР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ.....	30
4-МАВЗУ. ГУРУҲИЙ ҲАМКОРЛИҚДАГИ ФАОЛИЯТ - ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМНИНГ АСОСИ .....	48
5-МАВЗУ. ИНТЕРФАОЛ МАЪРУЗА ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ. ....	55
6-МАВЗУ. ЎҚУВ МУНОЗАРАСИ – ТАЛАБАЛАР БИЛАН АУДИТОРИЯ МАШГУЛОТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ШАКЛИ СИФАТИДА. ....	58
7-МАВЗУ. ЎҚУВ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ФАСИЛИТАТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ .....	64
АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ .....	79

## ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

### Кириш

Замонавий шароитда таълим самарадорлигини оширишнинг энг мақбул йўли – бу машғулотларнинг интерфаол методлар ёрдамида ташкил этиш деб ҳисобланмоқда. Интерфаоллик таълим жараёни иштирокчиларининг билим, кўникума, малака ҳамда муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлида биргаликда, ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатни ташкил этиш лаёқатига эгаликларидир. Мантиқий нуқтаи назардан интерфаоллик, энг аввало, ижтимоий субъектларнинг сұхбат (диалог), ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракат, фаолиятнинг олиб боришларини ифодалайди.

Анъанавий таълимдаги бир томонламалик олий таълим тизимидағи фақат маъруза машғулотларида эмас, семинар дарсларида ҳам устуворлик қиласи. Унга кўра, “етказиб берувчи” ролида энди ўқитувчи эмас, балки талаба (талаба) намоён бўлади. Талаба (талаба), асосан, ўзи ўзлаштирган билимларни намойиш этади, ўқитувчи эса унинг фикрларини тинглайди, зарур ўринларда саволлар билан мурожаат қиласи. Талаба (талаба)лар гурухи (жамоаси) бу вазиятда бутунлай суст иштирокчи, тингловчи бўлиб қолади. Бир қарашда талаба (талаба) ёки ўқитувчи томонидан узатилаётган ахборотларнинг қабул қилиниши талабалар гурухи (жамоаси) учун билимларни ўзлаштириш имкониятини яратадек таассурот уйғотади. Бироқ, психологик тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, шу тарзда қабул қилинган билим (маълумот)лар жуда тез унутилади. Хусусан, американлик психолог олимлар Р.Карникуа ва Ф.Макэлроунинг ўрганишларига кўра шахснинг табиий физиологик-психологик имкониятлари муайян шаклларда ўзлаштирилган билимларни турли даражада сақлаб қолиш имконини беради. Яъни шахс: манбани ўзи ўқиганида 10 %; маълумотни эшитганида 20 %; содир бўлган воқеа, ҳодиса ёки жараённи кўрганида 30 %; содир бўлган воқеа, ҳодиса ёки жараённи кўриб, улар тўғрисидаги маълумотларни эшитганида 50 %; маълумот (ахборот)ларни ўзи узатганида (сўзлаганида, билимларини намойиш этганида) 80 %; ўзлаштирилган билим (маълумот, ахборот)ларни ўз фаолиятига татбиқ этганида 90 % ҳажмдаги маълумотларни ёдда сақлаш имкониятига эга.

Шунга кўра интерфаол ўқитиши “таълим жараёнининг асосий иштирокчилари – ўқитувчи, талаба ва талабалар гурухи ўртасида юзага келадиган ҳамкорлик, қизғин баҳс-мунозалар, ўзаро фикр алмасиши имкониятига эгалик асосида ташкил этилади, уларда эркин фикрлаш, шахсий қарашларини иккиланмай баён этиш, муаммоли вазиятларда ечимларни биргаликда излаш, ўқув материалларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўзаро яқинликларини юзага келтириш, “ўқитувчи – талаба – талабалар гурухи”нинг ўзаро бир-бирларини хурмат қилишлари, тушунишлари ва қўллаб-куватлашлари, самимий муносабатда бўлишлари, руҳий бирликка эришишлари кабилар билан тавсифланади”.

## **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

“Интерфаол таълим технологиялари ва стратегиялари” **модулининг мақсади:** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини интерфаол таълим технологиялари ва стратегияларига доир билимларини такомиллаштириш, интерфаол таълим технологиялари ва стратегияларини ўзлаштириш, жорий этиш, таълим амалиётида қўллаш ва яратиш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

“Интерфаол таълим технологиялари ва стратегиялари” **модулининг вазифалари:**

- интерфаол таълим технологиялари ва стратегияларининг ўзига хосликлари ва қўлланилиш соҳаларини аниқлаштириш;
- тингловчиларда интерфаол таълим технологиялари ва стратегияларидан самарали фойдаланиш кўникма ва малакаларини ривожлантириш;
- тингловчиларда интерфаол таълим технологиялари ва стратегияларини лойихалаш ҳамда режалаштиришга доир проектив, прогностик ва креатив компетентликни ривожлантириш.

## **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Интерфаол таълим технологиялари ва стратегиялари” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

### **Тингловчи:**

- интерфаол таълим технологиялари ва стратегияларининг ўзига хосликлари;
- интерфаол таълим технологиялари ва стратегияларининг турлари ҳамда қўлланилиш соҳалари;
- интерфаол таълим технологиялари ва стратегияларини қўллашнинг педагогик-психологик ва методик шарт-шароитлари;
- интерфаол таълим технологиялари ва стратегияларини лойихалаш қоидалари ҳақида **билимларга эга бўлиши;**

### **Тингловчи:**

- интерфаол таълим технологиялари ва стратегияларини ўзи машғулот ўтказадиган фанга мослаштириш;
- интерфаол таълим технологияларига асосланган ўқув машғулотларини лойихалаш ва режалаштириш;
- шахсга йўналтирилган ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш ва бошқариш;
- таълим олувчиларнинг гурӯхий ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этиш;
- интерфаол таълим технологиялари ва стратегияларини олий таълим амалиётига самарали татбиқ этиш **кўникмаларини эгаллаши;**

### **Тингловчи:**

- интерфаол машғулотлар асосида ўқув жараёнини “жонли”, ижодий ташкил этиш;
- инновацион тафаккур юритиш орқали таълим жараёнида ижодий мухитни яратиш;
- интерфаол таълим технологиялари ва стратегияларини оқилона танлаб олиш;
- мутахасислик билан боғлиқликда интерфаол таълим технологиялари ва стратегияларини реал амалиёт билан уйғунлаштиришга эришиш;
- интерфаол таълим технологиялари ва стратегияларини ишлаб чиқиши ва оммалаштириш **малакаларини эгаллаши;**

### **Тингловчи:**

- инноватор, тьютор, ингилатор ва фасилилаторлик фаолиятини самарали амалга ошириш;
- интерфаол таълим мухитини бошқариш;
- интерфаол таълим технологиялари ва стратегияларига асосланган ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш;
- талабаларнинг изланишли-ижодий фаолиятга жалб этиш **компетенцияларни эгаллаши лозим.**

## **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Интерфаол таълим технологиялари ва стратегиялари” модулини ўқитиш жараёнида қўйидаги инновацион таълим шакллари ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- замонавий ахборот технологиялари ёрдамида интерфаол маъruzаларни ташкил этиш;
- виртуал амалий машғулотлар жараёнида кейс, лойиха ва ассисмент технологияларини қўллаш назарда тутилади.

## **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Интерфаол таълим технологиялари ва стратегиялари” модули бўйича машғулотлар ўқув режасидаги “Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат” ўқув модулининг “Педагогик компетентлик ва креативлик асослари” ва “Замонавий таълим ва инновацион технологиялар бўйича илғор хорижий тажрибалар” субмодуллари ҳамда “Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш” ўқув модули билан узвий алоқадорликда олиб борилади.

## **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар интерфаол таълим технологиялари ва стратегияларини ўзлаштириш, жорий этиш ва амалиётда

қўллашга доир проектив, креатив ва технологик касбий компетентликка эга бўладилар.

### **Модул бўйича соатлар тақсимоти**

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					Мустакил таълим	
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси жумладан		Назай	Амалий машғулот		
			Жами	Назай				
1.	Интерфаол таълим олий таълим тизимида ўқув жараёнини жадаллаштириш омили сифатида	4	4	2	2	-		
2.	Шахсга йўналтирилган интерфаол ўқитиш технологиялари.	6	4	2	2	2		
3.	Ўқитишнинг муаммоли-изланишга доир технологиялари.	4	4	2	2	-		
4.	Гурухий ҳамкорликдаги фаолият – интерфаол таълимнинг асоси.	4	4	2	2	-		
5.	Интерфаол маъруза ва уни ташкил этиш методикаси.	4	4	2	2	-		
6.	Ўқув мунозараси – талабалар билан аудитория машғулотини ташкил этиш шакли сифатида.	4	4	2	2	-		
7.	Ўқув-тарбия жараёнида фасилитаторлик фаолиятини ташкил этиш.	4	2	2	-	2		
	Жами:	30	26	14	12	4		

### **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

#### **Интерфаол таълим олий таълим тизимида ўқув жараёнини жадаллаштириш омили сифатида**

Интерфаол таълим ва унинг ўзига хосликлари. Интерфаол машғулотларни ташкил этиш методикаси. Интерфаол таълим тамойиллари.

#### **Шахсга йўналтирилган интерфаол ўқитиш технологиялари**

Шахсга йўналтирилган таълимнинг умумий тавсифи. “Ҳамкорлик педагогикаси” технологияяси, унинг мазмуни ва методикасининг ўзига

хослиги. Ш.А.Амонашвилиниң шахсий-инсонпарварлик ёндашув технологияси. Биргаликдаги самаралы фаолият концепцияси.

### **Ўқитишнинг муаммоли-изланишга доир технологиялари**

Муаммоли ўқитиш технологиясининг ўзига хосликлари. Лойиха таълим технологияси. Портфолио технологияси.

### **Гурухий ҳамкорликдаги фаолият - интерфаол таълимнинг асоси**

Ҳамкорликда ўқитишнинг афзалликлари ва ўзига хосликлари. Ҳамкорликда ўқитиш методлари. “Кичик гурух – қайта алоқа” тести.

### **Интерфаол маъруза ва уни ташкил этиш методикаси**

Конспект – маъруза технологияси. Маъруза мунозара технологияси. Орқага қайтишли маъруза технологияси. Видеомаързани ўтказиш технологияси. Мультимедиа маързани ўтказиш технологияси.

### **Ўқув мунозараси – талабалар билан аудитория машғулотини ташкил этиш шакли сифатида**

Ўқув мунозарасининг ўзига хосликлари. Ўқув мунозарасини ташкил этиш методикаси.

### **Ўқув-тарбия жараёнида фасилитаторлик фаолиятини ташкил этиш.**

Фасилитация тушунчаси. Фасилитацион ёндашувнинг ўзига хосликлари. Фасилитацион фаолиятнинг дидактик имкониятлари.

## **АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **Интерфаол таълим технологияларини лойихалаш ва режалаштириш**

Таълимни ташкил этишнинг интерфаол шаклларини таснифлаш. Интерфаол таълим технологияларига асосланган ўқув мақсадларини аниқлаштириш. Интерфаол таълим технологиялари асосида ўқув машғулотининг технологик модели ва картасини тузиш.

### **Интерфаол таълим стратегиялари**

Интерфаол таълим стратегияларини таснифлаш. Машғулотнинг даъват, англаш ва фикрлаш босқичида кўлланиладиган ўқитиш стратегияларини кўллаш қоидаларини аниқлаштириш. Мутахассислик фанидан бир мавзу мисолида машғулотнинг даъват, англаш ва фикрлаш босқичида кўлланиладиган ўқитиш стратегияларини амалиётда кўллаб кўрсатиш.

### **Кейс стади ва уни қўллаш методикаси**

Кейс манбалари, кейсни яратиш тамойиллари ва босқичларини аниқлаштириш. Кейс технологиясидан фойдаланган ҳолда машғулотларни ташкил этиш алгоритмини ишлаб чиқиш. Мутахассислик фани билан боғлиқликда кейс топшириқларини ишлаб чиқиш ва амалиётда кўллаб кўрсатиш.

## **Мунозарани ташкил этиш методикаси**

Үқув мунозарасини ташкил этиш ва ўтказиш босқичларини лойихалаш. Муноазара асосида машғулотни ўтказишда қўлланиладиган методларни аниқлаштириш ва мисоллар ёзиш. Дебатларни ташкил этиш ва ўтказиш босқичларини лойихалаш ва режалаштириш.

## **Фасилитацион таълим стратегиялари**

Open Space – “Очиқ муҳит” стратегияси. World Cafe – Жаҳон кафеси стратегияси. Appreciative Inquiry – “Ижобий ўзгаришлар парадигмаси” стратегияси. Dynamic facilitation – Динамик фасилитация стратегияси. Graphic facilitation – График фасилитация стратегияси. Action Learning – Бошқалар тажрибаси асосида ўқитиш. Таълимий веб-квест стратегияси.

## **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАЗМУНИ Контекстли таълим стратегиялари**

Бирламчи манбалар асосида контекстли таълим моделлари, шакллари ҳамда методларини ўрганиш ва таҳлил этиш.

Адабиётлар: Brown, H., & Ciuffetelli, D.C. (Eds.). Foundational methods: Understanding teaching and learning, p. 507. Toronto: Pearson Education, 2009; Gilles, R.M., & Adrian, F. Collaborative Learning: The social and intellectual Outcomes of Learning in Groups. London: Farmer Press, 2003; Johnson, D., Johnson, R. Learning together and alone, cooperative, competitive, and individualistic learning. Needham Heights, MA:Prentice-Hall, 1994; Kagan,S. Cooperative learning. 2nd ed. San Clemente, CA: Kagan Publishing, 1994; Munter M. Guide to Managerial Communication (9th Edition) (Prentice Hall), 2010; Wachtel, S. Sprechen und Moderieren in Horfunk und Femsehen. – Verlag Olschlager in:Uriütersitatsverlag Konstant GmbH (UVK – Medien / Olschlager), 1994.

## **Ҳамкорликда ўқитиш стратегиялари**

Collaborative learning – ҳамкорликда ўқитиш стратегиялари (ёзма давра сұхбати, mind mapping (интеллек карта), делбек)ни ўзлаштириш ва мутахассислик фанига татбиқ этиш.

Адабиётлар: Гуманитарные образовательные технологии в вузе [Текст]: методическое пособие. / О.В. Акулова, А.А. Ахаян, Е.Н. Глубокова и др. / Под ред. С.А. Гончарова. – СПб.: Изд-во РГПУ им. Герцена, 2007; Димухаметов, Р.С. Обновление научных основ педагогики повышения квалификации: Принцип фасилитации [Текст]. / Р.С. Димухаметов. – Алматы: МОиН РК, РИПКСО, Центр пед. исслед. РИПКСО, 2005; Образовательные стратегии и технологии обучения при реализации компетентностного подхода в педагогическом образовании с учетом гуманитарных технологий: Методические рекомендации [Текст]. – СПб.: Изд-во РГПУ им. А. И. Герцена, 2008; Панфилова, А.П. Игroteхнический менеджмент. Интерактивные технологии обучения и организационного развития персонала [Текст]: учебное пособие. / А.П. Панфилова. – СПб:

ИВЭСЭП «Знание», 2003; Роджерс, К., Фрейберг, Дж. Freedom to Learn – Свобода учиться [Текст]. / Составитель А. Орлов. – М.: Смысл, 2002.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. И.А.Каримов. Ўзбекистон миллий истиқлол, истеъдод, сиёsat, мафкура, 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. И.А.Каримов. Биздан обод ва озод ватан қолсин, 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. И.А.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир, 3-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
5. И.А.Каримов. Бунёдкорлик йўлида, 4-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
6. И.А.Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш–давр талаби, 5-жилд.– Т.: Ўзбекистон, 1997.
7. И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
8. И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз, 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
9. И.А.Каримов. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
10. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
11. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
12. И.А.Каримов. Миллий истиқлол мафкура – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
13. И.А.Каримов. Истиқлол ва маънавият. – Т.: Ўзбекистон, 1994.
14. И.А.Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998.
15. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: «Маънавият». –Т.: 2008.-176 б.
16. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”. –Т.: 2011.-440 б.
17. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, «Ҳалқ сўзи», 1998 й., 15 май 2- бет.
18. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.- Т.:Ўзбекистон, 2000.
19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон қарори.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори.
22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12 июнь 2015 йилдаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732 фармони.
23. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Т.: Чўлпон, 2005.
24. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. – Қарши.: Насаф, 2000.
25. Йўлдошев Ж.Ф., Усмонов С. Илғор педагогик технологиялар. – Т.: Ўқитувчи, 2004.
26. Ишмуҳамедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари /Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультети тингловчилари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқитувчилари учун услубий тавсиялар. – Т.: ТДПУ, 2004.
27. Воинова М.Г. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. – Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2006.
28. Гузеев В. В. Интегральная образовательная технология. – М., 1999.
29. Гузеев В.В. Образовательная технология: от приема до философии. М.: Сентябрь, 1996.
30. Гузеев В.В. Планирование результатов образования и образовательная технология.- М.: Народное образование, 2000.
31. Дъяченко В.К. Новая дидактика. – М., 2001.
32. Жукова Е.Д. Технология организации и реализации самостоятельной работы студентов : рабочая тетр. – Уфа : Изд-во БГПУ, 2004.
33. Кашлев С. С. Современные технологии педагогического процесса. Мн.: “Университетское”, 2000.
34. Колесникова И. А. Педагогическое проектирование: Учеб.пособие для высш. учеб. заведений / М: Издательский центр «Академия», 2005.
35. Левина М.М. Технология обучения, роль в структуре педагогического знания. (Разработка и внедрение гибких технологий обучения педагогическим дисциплинам). М.: МГПИ, 1991.
36. Левитес Д.Г. Современные образовательные технологии. Новосибирск, 1999.
37. Монахов, В.М., Бахусова, Е.В., Власов, Д.А. Педагогические технологии как дидактический инструментарий модернизации образования.– М. – Тольятти: ВУиТ, 2004.
38. Монахов, В.М., Бахусова, Е.В., Олейникова, И.А. Педагогическая технология В.М.Монахова от А до Я: самоучитель проектирования учебного процесса: Липецк: ИРО, 2007.

39. Новые педагогические и информационные технологии в системе образования: Учеб. пособие для пед. вузов и системы повыш. квалиф. пед. кадров Под ред. Е.С. Полат. – М.: Издат. центр «Академия», 2001.
40. Сайидахмедов Н.С. Янги педагогик технологиялар. – Т.: Молия, 2003.
41. Селевко Г.К. Энциклопедия образовательных технологий: В 2 т. Т.1. – М.: НИИ школьных технологий, 2006.
42. Сериков В. В. Обучение как вид педагогической деятельности: учебное пособие для вузов / В. В. Сериков; под ред. В. А. Сластенина, И. А. Колесниковой. – М.: Академия, 2008.
43. Современные образовательные технологии: учебное пособие/под ред. Н.В. Бордовской. – М.: КНОРУС, 2010.
44. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбикий асослари – Т.: 2006.
45. Adam, R. The Process of Educational Innovation I R. - Lnd, 1991.
46. Bassett G. Innovation in Primary Education. - Lnd: 1992.
47. Beverly D. Inquiry Based Teacher Education / D. Beverly, D. Shaklee, K. Cushner II. Педагогическоеобразование для XXI века. - М.: 1994.
48. Blan W.E. Handbook for developing Competency-Based Training Programs I W.E. Blank. - New-Jersey: Prentice Hall, 2002.
49. Chambers W.N. Creative Scientist of Today I W.N. Chambers II Science. -L.: 1994. - Vol. 145.
50. Cowen E.L. Stress Reduction and Problem-Solving Rigidity I EX. Cowen II J. Consult. Psychol. - N. Y: 1992. - Vol. 16.

### **Интернет маълумотлари**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
3. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari izohli lug'ati, 2004, UNDP DDI: Programme [www.lugat.uz](http://www.lugat.uz), [www.glossaiy.uz](http://www.glossaiy.uz)
4. Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: [www.uz](http://www.uz)
5. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
6. <http://www.bank.uz/uz/publisIVdoc/>
7. [www.press-uz.info](http://www.press-uz.info)
8. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
9. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
10. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)
11. [www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)
12. [www.grain.Ru](http://www.grain.Ru)
13. [www.plant\\_protection.com](http://www.plant_protection.com)
14. [www.alias.ru](http://www.alias.ru).
15. [www.chemistry.ru](http://www.chemistry.ru)
16. [www.mmlab.ru](http://www.mmlab.ru)

## **МАЪРУЗАЛАР МАТНИ**

### **1-МАВЗУ. ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ОМИЛИ СИФАТИДА.**

#### **РЕЖА:**

1. Интерфаол таълим ва унинг ўзига хосликлари.
2. Интерфаол машғулотларни ташкил этиш методикаси.
3. Интерфаол таълим тамойиллари.

**Таянч тушунчалар:** интерфаол таълим, фаол таълим, анъанавий таълим, замонавий таълим, интерфаол таълимнинг омиллари.

**1. Интерфаол таълим ва унинг ўзига хосликлари.** Замонавий шароитда таълим самарадорлигини оширишнинг энг мақбул йўли – бу машғулотларнинг интерфаол методлар ёрдамида ташкил этиш деб ҳисобланмоқда. Хўш, интерфаол методларнинг ўзи нима? Улар қандай дидактик имкониятларга эга? Таълим жараёнида интерфаол методларнинг ўринли, мақсадга мувофиқ қўлланилиши қандай самараларни кафолатлади? Қўйидаги ана шу каби саволларга қисқача жавоб топилади.

Юқоридаги саволларга жавоб топишда энг тўғри қадам таянч тушунча – “интерфаол” атамасининг луғавий маъноси билан танишишdir.


**“Интерфаол”** тушунчasi инглиз тилида “interact”(рус тилида “интерактив”) ифодаланиб, луғавий нуқтаи назардан “inter” – ўзаро, икки тарафлама, “act” – ҳаракат қилмоқ, иш кўрмоқ каби маъноларни англатади

**Интерфаол таълим** – таълим жараёни иштирокчиларининг билим, кўникма, малака ҳамда муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлида биргаликда, ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатни ташкил этишга асосланувчи таълим

**Интерфаоллик** таълим жараёни иштирокчиларининг билим, кўникма, малака ҳамда муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлида биргаликда, ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатни ташкил этиш лаёқатига эгаликларидир

Мантиқий нуқтаи назардан интерфаоллик, энг аввало, ижтимоий субъектларнинг сухбат (диалог), ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракат, фаолиятнинг олиб боришиларини ифодалайди.

Таълим соҳасида фаолият юритаётган ҳар бир мутахассис яхши биладики, анъанавий таълим ҳам сухбат (диалог)га асосланган ва бу сухбат куйидаги ўзаро муносабат шаклларида ташкил этилади:




Анъанавий таълимда ҳам табиий равишда сухбат асосини ахборот ташкил этади. Аммо ахборот узатишнинг асосий манбаи ўқитувчининг тажрибаси бўлиб, бу жараёнда у етакчилик, доминантлик қиласи, яъни у дарснинг асосий вақтида билимларни оғзаки тарзида талаба (талаба)ларга етказиб беришга интилади. Фаоллик кўрсатиш ўқитувчигагина хос бўлиб, талаба (талаба)лар бу вазиятда суст тингловчи бўлиб қолади. Уларнинг асосий вазифаси ўқитувчини тинглаш, зарур ўринларда ёзиш, саволлар билан мурожаат қилинганида жавоб қайтариш, кам ҳолатларда рухсат этилганидагина сўзлашдан иборатdir.

**2. Интерфаол машғулотларни ташкил этиш методикаси.** Анъанавий таълимдаги бир томонламалик олий таълим тизимидағи факат маъруза машғулотларида эмас, семинар дарсларида ҳам устуворлик қиласи. Унга кўра, “етказиб берувчи” ролида энди ўқитувчи эмас, балки талаба (талаба) намоён бўлади. Талаба (талаба), асосан, ўзи ўзлаштирган билимларни намойиш этади, ўқитувчи эса унинг фикрларини тинглайди, зарур ўринларда саволлар билан мурожаат қиласи. Талаба (талаба)лар гурухи (жамоаси) бу вазиятда бутунлай суст иштирокчи, тингловчи бўлиб қолади. Бир қарашда талаба (талаба) ёки ўқитувчи томонидан узатилаётган ахборотларнинг қабул қилиниши талабалар гурухи (жамоаси) учун билимларни ўзлаштириш имкониятини яратадек таассурот уйғотади. Бироқ, психологик тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, шу тарзда қабул қилинган билим

(маълумот)лар жуда тез унугилади. Хусусан, америкалик психолог олимлар Р.Карникау ва Ф.Макэлроунинг ўрганишларига кўра шахснинг табиий физиологик-психологик имкониятлари муайян шаклларда ўзлаширилган билимларни турли даражада сақлаб қолиш имконини беради. Яъни шахс: манбани ўзи ўқиганида 10 %; маълумотни эшитганида 20 %; содир бўлган воқеа, ҳодиса ёки жараённи кўрганида 30 %; содир бўлган воқеа, ҳодиса ёки жараённи кўриб, улар тўғрисидаги маълумотларни эшитганида 50 %; маълумот (ахборот)ларни ўзи узатганида (сўзлаганида, билимларини намойиш этганида) 80 %; ўзлаширилган билим (маълумот, ахборот)ларни ўз фаолиятига татбиқ этганида 90 % ҳажмдаги маълумотларни ёдда сақлаш имкониятига эга.


Шунга кўра интерфаол ўқитиши “таълим жараёнининг асосий иштирокчилари – ўқитувчи, талаба ва талабалар грухсида юзага келадиган ҳамкорлик, қизгин баҳс-мунозалар, ўзаро фикр алмасиши имкониятига эгалик асосида ташкил этилади, уларда эркин фикрлаш, шахсий қарашларини иккиланмай баён этиш, муаммоли вазиятларда ечимларни биргалиқда излаш, ўқув материалларини ўзлаширишда талабаларнинг ўзаро яқинликларини юзага келтириш, “ўқитувчи – талаба – талабалар грухси”нинг ўзаро бир-бирларини ҳурмат қилишлари, тушунишлари ва қўллаб-куватлашлари, самимий муносабатда бўлишлари, руҳий бирликка эришишлари кабилар билан тавсифланади”.

Замонавий таълим, шу жумладан, унинг тобора оммалашиб бораётган шакли – интерфаол ўқитишида эса шахслар ўртасидаги сухбат (диалог) қўйидаги шахслар ўртасида ташкил этилади:




Интерфаол таълим моҳиятига кўра сухбатнинг “талаба – ахборот-коммуникацион технологиялар” шаклида ташкил этилиши талаба (талаба)лар томонидан мустақил равища ёки ўқитувчи раҳбарлигига ахборот технологиялари ёрдамида билим, кўникма, малакаларнинг ўзлаштирилишини англатади.

Ўқитишининг интерфаол таълимга асосланиши бир қарашда ниҳоятда оддий, содда ва ҳатто “болалар ўйини” каби таассурот уйғотади. Бироқ, бунда ўқитувчининг маълум даражада қуидаги омилларга эга бўлиши талаб қилинади:



Шу билан бирга таълимда интерфаол таълимнинг самарадорлиги қуидаги иккиламчи омилларга ҳам боғлиқ:



Ўқитувчи таълим жараёнида интерфаол таълим ёрдамида талабаларнинг қобилиятиларини ривожлантириш, мустақиллик, ўз-ўзини назорат, ўз-ўзини

бошқариш, самарали сухбат олиб бориш, тенгдошлари билан ишлаш, уларнинг фикрларини тинглаш ва тушуниш, мустақил ҳамда танқидий фикрлаш, муқобил таклифларни илгари суриш, фикр-мулоҳазаларини эркин баён қилиш, ўз нуқтаи назарларини ҳимоя қилиш, муаммонинг ечимини топишга интилиш, мураккаб вазиятлардан чиқа олиш каби сифатларни шакллантиришга муваффақ бўлади. Энг муҳими, интерфаол методларни қўллаш орқали ўқитувчи талабаларнинг аниқ таълимий мақсадга эришиш йўлида ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатларини ташкил этиш, йўналтириш, бошқариш, назорат ва таҳлил қилиш орқали холис баҳолаш имкониятини қўлга киритади.

**Одатда интерфаол методларга асосланган таълимий ҳаракатлар қўйидаги шаклларда ташкил этилади:** индивидуал; жуфтлик; гурӯҳ; жамоа билан ишлаш

**Интерфаол таълим жараёнида талаба (талаба)лар:**


- гурӯҳ ёки жамоа билан ҳамкорликда ишлаш;
- тенгдошлари орасида ўз ғояларини эркин баён қилиш, билимларини ҳеч қандай руҳий тўсиқларсиз намойиш этиш;
- муаммони ҳал қилишга ижодий ёндашиш;
- гурӯҳ ёки жамоадошлари билан руҳий яқинликка эришиш;
- ўз ички имконият ва қобилияtlарини тўлиқ намоён қила олиш;
- фикрлаш, фикрларни умумлаштириш ва улар орасидан энг муҳимларини саралаш;
- ўз фаолиятини назорат қилиш ва мустақил баҳолаш;
- ўз имкониятлари ва кучига ишонч ҳосил қилиш;
- турли вазиятларда ҳаракатланиш ва мураккаб вазиятлардан чиқа олиш қўникумларини ўзлаштириш каби имкониятларга эга бўлади.

**Интерфаол таълим:**

- таълим олувчи (талаба, талаба)ларда билимларни ўзлаштиришга бўлган кизиқишини уйғотади;
- таълим жараёнининг ҳар бир иштирокчисини рағбатлантиради;

- ҳар бир талаба (талаба)нинг руҳиятига ижобий таъсир кўрсатади;
- ўқув материалининг самарали ўзлаштирилиши учун қулай шароит яратади;
- талаба (талаба)ларга кўп томонлама таъсир кўрсатади;
- талаба (талаба)ларда ўрганилаётган мавзулар бўйича фикр ҳамда муносабатни ўйғотади;
- талаба (талаба)ларда ҳаётий зарур кўникма, малакаларни шакллантиради;
- талаба (талаба)ларнинг хулқ-авторини ижобий томонга ўзгартерилишини таъминлайди

Интерфаол таълимнинг асосий белгилари қуидагилардир:



**Изоҳ:** Рефлексия (лотинча “reflexio” – ортга қайтиш, акс этиш): кишининг ўз хатти-ҳаракатлари, уларнинг асосларини тушуниб етиши, фаҳмлашига қаратилган назарий фаолияти; билишнинг алоҳида фаолияти; шахсий кечинмалари, ҳис-туйғулари ва ўй-хаёллари моҳиятини фикрлаш орқали англаш).

**3. Интерфаол таълим тамойиллари.** Интерфаол таълим қуидаги тамойилларга асосланади:

1. Машғулот – маъруза эмас, балки жамоанинг умумий иши.
2. Гуруҳнинг тажрибаси ўқитувчи (педагог)нинг тажрибасидан кўп.
3. Талабалар ёш, ижтимоий мавқе ва тажрибага кўра ўзаро тенг.
4. Ҳар бир талаба ўрганилаётган муаммо юзасидан ўз фикрини айтиш ҳукуқига эга.
5. Машғулотда талаба шахси танқид қилинмайди (фикр танқид қилиниши мумкин).

6. Билдирилган ғоялар талабаларнинг фаолиятини бошқармайди,


Таълимни ташкил этишга интерфаол ёндашувни қарор топшириш учунўқитувчи (педагог)лар бир қатор шартларга риоя эта олишлари зарур.

Улар:



**Изоҳ:** Стуллар кичик ва катта доира шаклида жойлаштирилганда кичик доирада талабалар, катта доирада эксперт гурухи жойлашади.

Бугунги кунда жаҳон таълим тизимида интерфаол ўқитишнинг қуидаги шаклларда амалга оширилаётганлиги барчага маълум:



Интерфаол таълим асосини интерфаол методлар ташкил этади. “Таълим жараёнида талабалар ҳамда ўқитувчи ўртасида ҳамкорликни қарор топтириш, фаолликни ошириш таълим олувчилар томонидан билимларни самарали ўзлаштириш, уларда шахсий сифатларни ривожлантиришга хизмат қиласиган методлар интерфаол методлар саналади”.

### **Назорат саволлари**

1. Интерфаол таълим ва унинг ўзига хосликларини айтиб беринг.
2. Интерфаол машғулотларни ташкил этиш методикасини изоҳлаб беринг.
3. Интерфаол таълим тамойилларини айтиб беринг.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ишмуҳамедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари /Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультети тингловчилари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқитувчилари учун услубий тавсиялар. – Т.: ТДПУ, 2004.

Воинова М.Г. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. – Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2006

2. Жукова Е.Д. Технология организации и реализации самостоятельной работы студентов : рабочая тетр. – Уфа : Изд-во БГПУ, 2004.

3. Монахов, В.М., Бахусова, Е.В., Олейникова, И.А. Педагогическая технология В.М.Монахова от А до Я: самоучитель проектирования учебного процесса: Липецк: ИРО, 2007.

## **2-МАВЗУ. ШАХСГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ИНТЕРФАОЛ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ.**

### **РЕЖА:**

1. Шахсга йўналтирилган таълимнинг умумий тавсифи.
2. “Ҳамкорлик педагогикаси” технологияси, унинг мазмuni ва методикасининг ўзига хослиги.
3. Ш.А.Амонашвилиниң шахсий-инсонпарварлик ёндашув технологияси.
4. Биргалиқдаги самарали фаолият концепцияси.

**Таянч тушунчалар:** шахс, тамойил, ҳамкорлик педагогикаси, ҳамкорлик концепцияси, шахсий-инсонпарвар ёндашув.

**1. Шахсга йўналтирилган таълимнинг умумий тавсифи.** Шахсга йўналтирилган технология инсонпарвар фалсафа, психология, педагогикани умумлашган холда ўзига акс эттиради. Шахсга йўналтирилган технологиянинг дикқат марказида турли образли ҳаётий вазиятларда онгли танлашга қобилиятли, янги тажрибаларни идрок этишга тайёр, ўз имкониятларни ўзи амалга оширишга иштиёқманд ноёб яхлит инсон туради. Бундай шахснинг мувафақкияти анъанавий технологиядаги билим ва ижтимоий меъёрларни тарбияланувчиларга формал узатишдан фарқли равища, эркин фикрли шахсни шакллантириш эканлигини билдиради.

Шахсга йўналтирилган технологияларнинг ўзига хослиги шундаки, улар шахс ривожланишини қандайдир буюртма асосида шакллантиришга эмас, аксинча унинг(шахснинг) табиий қобилиятлари асосида шакллантиришга йўналтирилган.

Таълим мазмуни ўзида бола шахси шаклланиши ва ривожланишидан келиб чикувчи муҳитни акс эттиради. Унинг инсонпарварлик хусусияти инсонга, инсонпарвар меъёрларга ва идеалларга эътибор қаратилганлигидир.

Шахсга йўналтирилган технология ҳар бир боланинг индивидуал ўзига хослиги билан боғлиқликда таълим ва тарбиянинг метод ва воситаларини излаб топишга ҳаракат қиласи. Шахсга йўналтирилган технология анъанавий технологиядаги болага авторитар, мустақиллигини эътироф этмаган холда

қарашга қарама-қарши қўйилади. Севиш, ғамхўрлик, ҳамкорлик асосида шахс ижодийлиги ва ўзини-ўзи ривожлантириши учун шароит яратади.

Шахсга йўналтирилган таълим асосида Карл Роджерс томонидан ишлаб чиқилган фалсафа, психология ва педагогикадаги инсонпарварликка йўналтирилган *тамойиллар* ётади:

- индивид доимий ўзгарувчан дунёнинг марказида жойлашади: ҳар бир киши учун борлиқни идрок этишда шахсий дунёси мухим аҳамиятга эга. Бу ички дунёни ҳеч ким ташқаридан охиригача била олиши мумкин эмас;
- инсон борлиқни шахсий муносабати ва тушуниши асосида идрок этади;
- индивид ўзини-ўзи билиш ва ўзини-ўзи реализациялашга ҳаракат қиласи, у ўзини-ўзи такомиллаштиришда ички имкониятларга эга бўлади;
- мулоқот натижасида эришиш мумкин бўлган ривожланиш учун зарур ўзаро бир-бирини тушуниш;
- ўзини-ўзи такомиллаштириш, ривожланиш мухит, бошқа одамлар билан ўзаро ҳаракат асосида келиб чиқади. Тўғридан-тўғри ёки яширин алоқалар натижасида эришиладиган ташқи баҳо инсон, унинг ўзини-ўзи билиши учун жуда мухим.

Шахсга йўналтирилган таълимнинг *бош гоялари* (И.С. Якиманский бўйича) қуйидагиларда акс этади:

- шахсга йўналтирилган таълимнинг мақсади: талабаларнинг билиш фаоллигини ошириш, боланинг индивидуаллигини юқори даражада кашф эта олиш;
- билим бўйича берилган меъёр сифатида таълим, жараён сифатида ўқитишига алоҳида ургу беради;
- ўқитиши деганда, таълим жараёнида берилганларини ижтимоий-аҳамиятли намуналарга айлантиришга йўналтирилган ҳар бир боланинг алоҳида индивидул фаолияти тушунилади;
- талаба субъективлигига таълимий таъсир натижасида келиб чиқувчи сифатида эмас, бошиданоқ унга ўзига хослиги сифатида қарайди;

- таълим жараёнини ташкил этиш ва амалга оширишда ҳар бир ўкувчи-нинг шахсий тажрибаси ва унинг ижтимоийлашувини аниқлаш бўйича иш ўтказилиши керак;

- билимларни эгаллаш мақсади ўкувчи ривожланиши унинг имкония-лари ва индивидуал-аҳамиятли қадриятларни ҳисобга олиш воситасига айланади.

Шахсга йўналтирилган таълимнинг анъанавий дидактик тизимдан асосий фарқли жиҳатлари:

### **1-жадвал.**

#### **Анъанавий ва шахсга йўналтирилган таълимнинг ўзига хосликлари**

<b>Анъанавий таълим</b>	<b>Шахсга йўналтирилган таълим</b>
Таълим – бу ташқи таъсирлар натижасида индивиднинг умумлаштирилган, ижтимоийлашган тажрибаларни ўзлаштириш жараёни. Жамиятга зарур бўлган нарсалар, шахсга ҳам зарур.	Шахсга йўналтирилган таълим – талаба шахсининг, унинг шахсий хусусиятларидан келиб чиқиб билиш ва ўқиш фаолиятини субъекти сифатида, ривожланишини ва ўзини-ўзи ривожланишини таъминлайдиган таълим.
Талаба ҳақидаги образли тушунча: “инсон-лой” – дастлабки моҳиятга эга эмас(“тоза қофоз”) ҳамда педагогик фаолиятнинг материали ҳисобланади.	Таълим оловчи ҳақидаги образли тушунча: “инсон-оила” – ривожланишнинг генетик дастури мавжуд.
Таълим жараёнида марказий фигура – ўқитувчи.	Таълим жараёни марказида – талаба.
Таълим: ўқитиши ва ўқиши: ўқитувчи билим, қўникма ва малакаларни беради, ўкувчи эса идрок этади ва ўзлаштиради	Таълим: ўрганилаётган фанларни эгаллаш жараёнида талабанинг индивидуаллиги амалга ошиши ва унинг шахсий сифатларининг ривож-ланишига йўналтирилган

	ўқитувчи ва талабанинг биргаликдаги фаолияти. Шахсга йўналтирилган таълим юқори даражада “ўрганиш” ва “ўзлаштириш” тушунчасига қараганда, “эгаллаш” тушунчасида акс этади.
Таълим жараёнининг асосий фаолияти – ўқитиши.	Таълим жараёнинг асосий фаолияти – билиш фаолияти
Таълим жараёнида болаларнинг субъектли фарқлари хисобга олинмайди, ҳамма болалар учун ягона андоза –“стандарт” берилади.	Таълим жараёнида болаларнинг субъектив тажрибаси максимал даражада очиб берилади, талабаларнинг индивидуаллигига алоҳида эътибор қаратилади.
Шахсийдан ижтимоий қадриятлар юқори қўйилади.	Бола шахсининг ўзи юқори қадрият саналади.
Дарсликлар билан бирга ўқитувчи билимларнинг асосий манбаи сифатида акс этади. Бундан ташқари ўқитувчи билиш субъектининг назорат қилувчисидир.	Ўқитувчининг роли – талаба мустақил таълим оладиган, шахсий имкониятларига таянадиган ва таълим технологиялари билан боғлиқликда фойдаланувчи таълимий муҳитни ташкил этиш.

**2. “Ҳамкорлик педагогикаси”нинг мазмуни ва методикасининг ўзига хослиги.** Ҳамкорлик педагогикасини новатор-педагоглар (Ш.А.Амонашвили, С.Н.Лисенко, И.П.Волков, В.Ф.Шаталов, Е.Н.Ильин ва бошқалар) педагогик жараён иштирокчилари (ўқитувчи ва талабалар) ўртасида инсонпарварлик тамойилига асосланган ўзаро муносабатлари ташкил этишини таъкидлаб ўтадилар. Ҳамкорлик педагогикаси учун концептуал аҳамиятга эга қоидалар А.Авлоний, Ж.Ж.Руссо, Я.Корчак, К.Роджерс ва бошқаларнинг педагогик қарашларида ўз ифодасини топган.

Педагогик ҳамкорлик ғоялари бугунги кунда педагогик технологиялар мазмунига сингдирилган ва “XXI аср таълими Концепцияси” асосини ташкил этади.

**“Ҳамкорлик педагогикаси”нинг таснифий тавсифи:**

**Қўлланиши даражасига кўра:** умумпедагогик.

**Фалсафий асосларига кўра:** инсонпарвар.

**Асосий ривожланиши омилларига кўра:** мажмуавий, биоген, социоген ва психоген.

**Шахсга йўналтирилганлигига кўра:** ҳартомонлама баркамол.

**Мазмунли характерига кўра:** таълимий + тарбиявий, дунёвий, инсонпарвар, умумтаълимий.

**Бошқариш турига кўра:** кичик гурухлар тизими.

**Ташкилий шаклларига кўра:** академик + клубли, индивидуал + гурухли, табақалашган.

**Болага ёндашувга кўра:** шахсий-инсонпарвар, субъект-субъектли(ҳамкорлик).

**Методларни қўлланилишига кўра:** муаммоли-изланувчан, ижодий, диалогли, ўйинли.

**Таълим олувчилик тоифасига кўра:** оммавий.

**Мақсадга йўналганлиги:**

- Талабчанлик педагогикасидан муносабатлар педагогикасига ўтиш.
- Болага шахсий-инсонпарвар ёндашув.
- Таълим ва тарбия бирлиги.

**Ҳамкорлик концепцияси.**

“Ўқитувчи-талаба” муносабатларидағи ҳамкорлик, бу фаолиятнинг бориши ва натижаларининг биргаликдаги таҳлили, маънавий дунёда бир-бирига самимийлик, ўзаро бир-бирини мустаҳкам тушуниш, катталар ва болаларнинг ҳамкорликдаги ривожлантирувчи фаолияти ғояси. Аньнавий таълим педагогик жараёнда ўқитувчининг субъект сифатида, талабани эса объект сифатида иштирокига асосланган. Бу қоида ўкувчи ўз ўкув

фаолиятининг субекти ҳақидаги тасаввур билан алмашинади. “Талабаталаба” муносабатлари ҳамкорликнинг турли шакллари(ҳамкорлик, бирга қатнашиш, бирга қайғуриш, бирга ижод қилиш, биргаликда бошқариш)да қабул қилинган умумий жамоа ҳаётинида амалга ошади.

*Ҳамкорлик педагогикасининг тўртта асосий йўналиши мавжуд:*

- шахсий-инсонпарвар ёндашув;
- дидактик фаоллаштирувчи ва ривожлантирувчи мажмуа;
- тарбия концепцияси;
- атроф-муҳитни педагогизациялаш.

*1. Шахсий-инсонпарвар ёндашув:*

• шахсга янгича қараш таълим беришнинг мақсади сифатида, яъни таълим-тарбия жараёнининг шахсга йўналтирилганлиги: шахс субъектdir, ҳар бир боланинг қобилияти бор.

- Педагогик мuloқотни инсонпарварлаштириш ва демократиялаш:
  - болаларга муҳаббат, уларнинг тақдирига қизиқиши;
  - боладаги умидли мшонч;
  - ҳамкорлик, мuloқот маҳорати;
  - тўғридан-тўғри мажбур қилишни бекор қилиш;
  - ижобий рағбатлантиришнинг муҳимлилиги;
  - болалардаги камчиликларга сабрли бўлиш;
  - ўқитувчи ва талаба ҳукуқларини тенглаштириш;
  - боланинг эркин танлаш ҳукуқи;
  - хато қилиш ҳукуқи;
  - шахсий қарашларга бўлган ҳукуқ;
  - бола ҳукуқлари ҳақидаги конвенцияга амл қилиш;
  - ўқитувчи-талаба муносабатлари усули: тақиқлаш эмас, йўналтириш; бошқариш эмас, биргаликда бошқариш; мажбурлаш эмас, ишонтириш; буйруқ бериш эмас, ташкиллаштириш; чегараламаслик, эркин танлашни йўлга қўйиши.

- замонавий шароитда натижаларга олиб келмайдиган туғридан-түғри мажбурлашдан метод сифатида воз кечиш:

- мажбуровсиз, ишончга асосланган талабчанлик;
- туғма қизикувчанликни ҳисобга олиб ўқитиш;
- мувафақиятсизликка сабаб бўладиган мажбурий истакни алмаштириш;
- болаларнинг мустақиллиги ва мустақил фаолиятини ўрнатиш;
- жамоа орқали бевосита талабларнинг қўлланиши.

Индивидуал ёндашувнинг янги талқини:

- ўрта ўқийдиган талабаларга йўналтиришни бекор қилиш;
- шахснинг энг яхши сифатларини излаш;
- шахсни психологик-педагогик ташхис этиш(қизиқищлари, қобилияти, ўйналганлик, “Мен” концепцияси, характеристики, фикрлаш жараёнларининг ўзига хослиги)нинг қўлланилиши;
- ўқув-тарбия жараёнида шахснинг ўзига хосликларини ҳисобга олиш;
- шахс ривожини башпорат қилиш(прогнозлаш);
- ривожланишни, уни коррекциялашнинг индивидуал дастурларини лоийхалаш.

### *2. Дидақтик фаоллаштирувчи ва ривожлантирувчи мажсума:*

- таълим мазмуни шахс ривожланишининг мазмуни сифатида қаралади;
- билим, кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш ва умумлашган фикрлашга ўргатиш;
- мактаб фанларини интеграциялаш, умумлаштиришга ўтилиши;
- таълимнинг вариативлиги ва табақалашганлиги;
- ўргатишнинг ижобий рағбатларидан фойдаланилади.

### *3. Тарбия концепцияси:*

- Билимлар мактабини Тарбия мактабига алмаштириш;
- барча тарбиявий тизимлар марказида талаба шахсини қўйиш;
- тарбияга инсонпарвар ёндашув, умуминсоний қадриятларни шакллантириш;

- боланинг ижодий қобилияларини, унинг индивидуаллигини ривожлантириш;

- миллий ва маданий анъаналарни тиклаш;

- индивидуал ва жамоавий тарбияни ҳисобга олиш.

#### *4. Атроф-муҳитни педагогизацияциялаши.*

Оила, мактаб ва ижтимоий борлик ўсиб келаётган авлодни шакллантирувчи муҳим ижтимоий институтлар сифатида акс этади. Натижалар барча тарбия институтларининг биргаликдаги ҳаракатида аниқланади. Бундан болаларнинг эркинликлари ва хуқуқларини ҳимоя қилувчи ижтимоий ва давлат институтларига таъсир этувчи ота-оналар билан ҳамкорлик, омилкор бошқариш ғояси келиб чиқади.

### **3. Ш.А.Амонашвилиниң шахсий-инсонпарварлик ёндашув технологияси.**

Шалва Александрович Амонашвили таниқли педагог олим ва амалиётчидир. У ўзининг экспериментал мактабида ҳамкорлик педагогикасини, шахсий ёндашувни, тил ва математика ўқитишнинг самарали методикасини ишлаб чиқди ва ҳаётга татбиқ этди.

Ш.А. Амонашвилиниң асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- боланинг шахсий хислатларини намоён қилиш орқали унда олижаноб инсоннинг шаклланиши, ривожланиши ва тарбияланишига имкон туғдирмоқ;
- боланинг қалби ва юрагини улуғламоқ;
- боладаги билишга бўлган кучларни ривожлантириш ва шакллантириш;
- кенг ва чуқур билим ҳамда малака олиш учун шароит туғдирмоқ;
- идеал тарбия – бу ўз-ўзини тарбияламоқ.

**Ш.А. Амонашвили ўзининг технологиясини амалга ошириш учун қуйидаги методика ва методик усуслардан фойдаланди:**

- инсонпарварлик;
- шахсий ёндашув;
- мuloқот маҳорати;

- оила педагогикасининг қўшимча имконияти;
- ўқув фаолияти.

Ш.А.Амонашвили технологиясида бола фаолиятини баҳолаш алоҳида аҳамиятга эга. Баҳолардан фойдаланиш ўта чекланган. Микдорий баҳолашдан кўра сифатли баҳолашга ургу берилади, яъни тавсиф, натижалар пакети, ўз-ўзини баҳолаш.

#### **4. Биргаликдаги самарали фаолият концепцияси.**

Ўқитувчининг талабалар билан ҳамда талабаларнинг талабалар билан биргаликдаги самарали фаолияти концепциясини профессор В.Я.Ляудис ишлаб чиқкан.

Бу ўқув вазияти бир-бiri билан боғлиқ *тўрт қисмдан* иборат:

- ўқув предметининг мазмуни;
- шароит;
- ўзаро харакатдаги ўқув тизими;
- барча қисмларнинг ўзаро алоқа динамикаси.

Биргаликдаги самарали фаолият вазиятини ташкил этишга қўйиладиган *талаблар*:

1. Ўқишининг бошидан қатнашчиларни ижодий самарали фаолиятга қўшиш;
2. Оралиқ вазифалар тизимини талабалар ва ўқитувчиларнинг биргаликда режалаштириши;
3. Ўқув фаолиятида ҳамкорлик, мазкур фаолиятга ўзининг хиссасини қўшишини аниқлашга йўналтириш;
4. Ўқитишининг бориши қонуниятлари: фаолиятга кириш, харакат, имитацион харакатлар, харакатни қўллаш, ўзи тартибга келадиган ва ўзи харакатланадиган харакатлар.

Биргаликдаги самарали фаолият концепцияси табиий холда “ҳамкорлик педагогикаси” ичига киради ва қўйидаги *гояларга* асосланади:

- қийин мақсад ғояси;
- таянч ғояси (асосий тушунчалар, сигналлар);

- эркин танлаш ғояси (қўп масалаларнининг ичидан);
- катта блоклар ғояси;
- диалогли фикрлаш ғояси.

### **Назорат саволлари**

1. Шахсга йўналтирилган таълимнинг умумий тавсифи.
2. “Ҳамкорлик педагогикаси” технологияси, унинг мазмуни ва методикасининг ўзига хослиги.
3. Ш.А. Амонашвилиниң шахсий-инсонпарварлик ёндашув технологияси.
4. Биргаликдаги самарали фаолият концепцияси.
5. Шахсий-инсонпарвар ёндашуви.
6. Дидактик фаоллаштирувчи ва ривожлантирувчи методлари.
7. Тарбия концепцияси.
8. Атроф-муҳитни педагогизациялаш.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ишмуҳамедов Р.Ж. Инновацион технологиилар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари /Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультети тингловчилари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқитувчилари учун услубий тавсиялар. – Т.: ТДПУ, 2004.
2. Воинова М.Г. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. – Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2006
3. Жукова Е.Д. Технология организации и реализации самостоятельной работы студентов : рабочая тетр. – Уфа : Изд-во БГПУ, 2004.
4. Монахов, В.М., Бахусова, Е.В., Олейникова, И.А. Педагогическая технология В.М. Монахова от А до Я: самоучитель проектирования учебного процесса: Липецк: ИРО, 2007.

### **З-МАВЗУ. ЎҚИТИШНИНГ МУАММОЛИ-ИЗЛАНИШГА ДОИР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ.**

#### **РЕЖА:**

1. Муаммоли ўқитиш технологиясининг ўзига хосликлари.
2. Лойиха таълим технологияси.
3. Портфолио технологияси.

**Таянч тушунчалар:** муаммоли вазиятлар, метод, муаммоли таълим, фараз, ижодий вазифа, лойиха, лойихалаштириш.

#### **1. Муаммоли ўқитиш технологиясининг ўзига хосликлари.**

Маълумки, таълим турлари жамият ривожланиши билан боғлиқлиқда ривожланиб борган. Ўрта асрлардаги доктрина ва схоластик таълим ўрнига XVIII асрдан бошлаб, оғзаки-кўрсатмали таълим тури пайдо бўлди. Гарчи доктрина ёдлаш ҳали ҳам анча сақланиб қолган бўлсада, энди ўқитувчининг тушунтириши ва талабалар томонидан билимларни онгли равища ўзлаштириш, билимларни амалда қўлланиш асосий ўрин тутади.

Муаммоли ўқитиш мутлақ янги педагогик ҳодиса эмас. Муаммоли ўқитиш унсурларини Суқротнинг эвристик сұхбатларда, Ж.Ж. Руссо Эмилл учун ишлаб чиқилган дарсларда кўриб чиқиш мумкин. Айниқса, бу ғояга К.Д.Ушинский аниқлик киритган. Масалан, у шундай ёзади: “Механик комбинацияларни ақлий ҳаракатларга ўтказишнинг барча ёш даврлари, айниқса, болалиқда энг яхши усули Суқрот номи билан қўлланадиган ва унинг номи билан аталувчи Суқрот методидир. Суқрот ўзининг фикрларини тингловчиларга мажбуран сингдирмади, бироқ қандай фикрлар бир-бирига қарама-қарши туриши, уларнинг мияда кам акс этадиганларини билар эди. Шунинг учун бу фикрларни саволлар ёрдамида ҳосил қилишга ҳаракат килар эди”.

Яқин XX асрга келиб эса, дарс баёнининг кескин кучайиши, ҳаёт билан боғланишнинг яхшиланганлиги, кўрсатмалиликнинг қўлланилиши, ўқитувчи томонидан ҳар бир нарсага ақлий ёндашишнинг кўрсатилиши изоҳли-иллюстратив таълимни вужудга келтирди. Бундай таълим XX асрнинг 70-йилларигача, гарчи 60-йилларнинг бошларида ёқ мактабларда

фаоллаштириш ғояси кенг тарқалиб, таълимнинг янги муаммоли тури пайдо бўлган бўлсада, амалда устунликка эга бўлди.

Соф муаммоли таълимнинг тарихи Джон Дюи томонидан кўплаб қоидалари ишлаб чиқилган тадқиқотчилик методининг фанга киришидан бошланади. XX асрнинг 60-70 йилларида таълим назарияси янги ғоялар, назариялар, концепциялар билан бойиб борди. Таълим жараёнини фаоллаштириш назарияси(М.А.Данилов, М.Н.Скаткин, И.Т.Огородников), кичик ёшдаги талабаларни қийинчилекларни янада ошириб ўқитиш назарияси (Л.С.Занков), мазмунан умумлаштириш назарияси (В.В.Давидов, Д.Б.Эльконин), ақлий ҳаракатларни босқичма-босқич шакллантириш (П.Я.Гальперин ва бошқалар), маънавий эҳтиёжларни шакллантириш (Ю.В.Шаров), билишга қизиқиш(Г.И.Щукина) назарияси, дастурлаштирилган таълим назарияси (В.П.Беспалько, Н.Ф.Талызина) ва муаммоли таълим (А.М.Матюшкин, Т.В.Кудрявцев, М.И.Махмутов, И.Я.Лернер) назарияси ишлаб чиқилди.

Узлуксиз таълим тизимининг долзарб вазифаси ҳар томонлама ривожланган шахсни шакллантиришда акс этади. Замонавий педагогикада таълим жараёнида шахс ривожланишининг уммий масалалари тадқиқ этилади. Ҳар томонлама, баркамол ривожланганликнинг кўрсаткичи - юқоридаражадаги фикрлаш қобилиятининг мавжудлигидир.

Ривожлантирувчи таълим деб, яъни умумий ва маҳсус ривожланишга олиб келадиган шундай таълимни ҳисоблаш мумкинки, унда ўқитувчи фикр юритишнинг қонуний ривожланишини билишга таянган ҳолда, маҳсус педагогик воситалар ёрдамида ўз талабаларини фан асосларини ўрганиш жараёнида фикрлаш қобилияти ва билиш эҳтиёжини шакллантишга оид мақсадга йўналтирилган иш олиб боради. Бундай таълим муаммоли таълим ҳисобланади.

Педагогик адабиётларда муаммоли таълимга бир қанча тавсифлар берилган. Муаммоли таълим деганда В.Оконь “муаммоли вазиятларни ташкил этиш, муаммони шакллантириш, муаммони ҳал этишда талабаларга

зарур ёрдам кўрсатиш, мазкур ечимларни назорат қилиш ва ниҳоят, эгалланган билимларни мустаҳкамлаш ва тизимлаштиришга раҳбарлик қилиш сифатидаги харакатлар йиғиндиси”ни тушунади. Д.В. Вилькеев муаммоли ўқитишни таълим олувчига илмий билишнинг баъзи жиҳатларини бера оладиган таълим тури, деб изоҳлайди. И.Я. Лернер муаммоли таълимнинг моҳиятини “таълим муассасасининг мақсади билан боғлиқликда аниқ тизимда ўқитувчи иштирокчиларни билиш ва амалий муаммони ҳал этишга чорлаши”да деб қарайди. Т.В. Кудрявцев ва Ю.К. Бабанскийлар муаммоли таълимнинг моҳиятини талабаларнинг олдида дидактик муаммоларнинг қўйилиши, уларни ечилиши ҳамда талабаларнинг муаммоли вазифа тамойиллари ва умумлашган билимларни эгаллашларида кўради. Н.Н. Азизходжаеванинг фикрича, муаммоли ўқитишнинг моҳиятини ўқитувчи томонидан талабаларнинг ўқув ишларида муаммоли вазиятни вужудга келтириш ва ўқув вазифаларини, муаммоларини ва саволларини ҳал қилиш орқали янги билимларни ўзлаштириш бўйича уларнинг билиш фаолиятини бошқариш ташкил этади. Н.Ф. Сахратов эса, муаммоли таълим деганда, “муаммоли вазиятларни яратиш ва муаммоларни ҳал этишни излаб топишни бошқаришни ҳисобга олиш учун реал ижодий жараённи моделлаштириш асоси сифатида юзага чиқадиган таълим метод ва воситалари тизими” ни тушунади.

Назарий тадқиқотлар натижаларни таҳлил этиш ва амалий умумлаштириш асосида “муаммоли таълим”га қўйидагича таъриф бериш мумкин: “Муаммоли таълим – бу талабаларнинг ўқитувчи муаммоли вазият шароитида тушунтирганларини идрок этиш йўли билан билим ва фаолият усулларини ўзлаштиришга доир муаммоли вазиятларни мустақил (ёки ўқитувчи ёрдамида) таҳлил қилиш, муаммоларни таърифлаш ва уларни таклифлар, фаразлар воситасида (мантиқий ва интуитив) равишда асослаш ва исботлаш, шунингдек ечимларнинг тўғрилигини текшириш йўли билан ҳал қилишга оид ўқув-билиш фаолиятидир”.

*Муаммоли таълимнинг бош мақсади:*

1. Талабаларнинг ижодий кўникмалари ва фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш.

2. Фаол изланиш ва муаммони мустақил ҳал этиш давомида талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини эгаллаши. Натижада бу билим, кўникмалар анъанавий таълимга қараганда, мустаҳкам.

3. Стандарт бўлмаган муаммоларни қўриш, қўя олиш ва ҳал этишга қодир фаол ижодкор шахсни тарбиялаш.

4. Юқори даражадаги муаммоли фикрлашни шакллантириш.

*Муаммоли таълимнинг асосий тушунчалари:*

- муаммо;
- фараз;
- муаммоли вазият;
- муаммоли савол;
- муаммоли вазифа;
- ижодий вазифа;
- мустақил иш.

Муаммо – (юонончадан – вазифа) ҳал этишни талаб этадиган вазифа, мураккаб савол (Ўзбекчи изоҳли луғат); ўрганиш, ҳал қилиш талаб этиладиган мураккаб назарий ва амалий савол.

Муаммо жавоби бевосита мавжуд билимда бўлмаган ва ечиш усули ноъмалум бўлган масала. Шунинг учун ҳам муаммони қўйиш ва ҳал қилиш маажуд билимлар доирасидан четга чиқиши, янгича ечиш усули, методларини қидиришни талаб этади (Фалсафа: қомусий луғат).

Муаммо уч таркибий қисмдан иборат: маълум (берилган вазифа асосида), номаълум (уларни топиш янги билимларни шакллантиришга олиб келади) ва аввалги билимлар (талабалар тажрибаси).

Ўқув муаммосининг муҳим белгилари қуйидагилар:

- янги билимларни шаклланпширишга олиб келадиган номаълумнинг бўлиши;

- талабаларда номаълумни топиш йўлида иқтидорни амалга оширши учун зарур бўлган муайян билим заҳирасининг бўлиши.

*Фараз* – (юн. hypothesis – асос)- ўрганлаётган ҳодисанинг сабаблари ва хусусиятларини тушунтирадиган асосли тахмин тарзидаги билим шакли. Қоидага кўра фараз мураккаб қўшма гап қўринишида шарт майли билан шакллантирилади: “Агар..., -са...”, “бўлиши мумкин”, “ўйлаймиз”, “мумкин, агарда...”. Масалан, ўйлаймизки, агар ақл соҳаси (ноосфера) факат ижобий ишларга сарф этилганда, атроф-муҳит шунчалик хавф-хатарга қолмаган бўлармиди?

Фараз билан ишлаш қоидаси:

- фаразнинг қўйилиши;
- уни назарий асослаш;
- фаразни тажрибада синаб кўриш.

*Муммоли вазият* – бу инсоннинг юз берган ҳодисани, фактни, воқелик жараёнини қандай тушунтиришини билмайдиган, унга маълум бўлган ҳаракат усуллари билан мақсадга эриша олмайдиган пайтда вужудга келадиган интеллектуал қийналишидир. Бу инсонни янги тушунтириш йўллари ёки ҳаракат усулларини билишга ундейди. Муммоли вазият ижодий билиш фаолиятининг қонуниятидир. У фикрлашнинг бошланишини шарт қилиб қўяди, фаол фикрлаш муаммоларни қўйиш ва ҳал қилиш жараёнида намоён бўлади.

Инсоннинг муаммоли вазиятлар шароитидаги продуктив билиш фаолияти босқичларининг муайян изчиллиги психология фани томонидан белгилаб берилган: муаммоли вазият – муаммо – уни ҳал қилиш усулларини излаш – муаммони ҳал этиш.

*Муаммоли савол.* Талабаларда интеллектуал қийинчиликлар туғдирадиган саволларгина муаммоли саналади., чунки уларнинг жавоби талабаларнинг илгариги билимларида ҳам, ўқитувчи томонидан берилган ахборотларда ҳам бўлмайди. Шундай хусусиятларга эга бўлган саволларни

педагоглар илгари ҳам учратганлар ва уларни “мушкул саволлар” деб атаганлар.

Савол қуйидаги ҳолатда муаммоли бўлади: у илгари ўзлаштирилган тушунча ва тасаввурлар билан, маълум ўкув вазиятида ўзлаштириш зарур бўлган тушунча ва тасаввурлар билан мантиқий боғланган бўлиши; ўзида билиш қийинчилиги ҳамда маълум ва номаълумнинг аниқ чегараси мавжуд бўлиши; янгини илгари маълум бўлган билимлар билан таққослаганда мавжуд заҳира билимга, кўникма ва малакага қаноатланмаслик ҳиссини уйғотиши.

*Ижодий вазифа* – бу муаммони ҳал этишнинг янги қоидасини топишни шарт қилиб қўядиган вазифа.

Ижодий вазифа:

- ўкув материалини эгаллаш, умумлаштириш ва тақрорлаш;
- талабаларнинг ижодий қобилият, билишга қизиқиш, мавхум ва мантиқий фикрлашларини ривожлантириш;
- мустақил ишлаш кўникмаларини шакллантириш;
- фанлараро алоқадорликни ҳосил қилиш.

Масалан: “Шахс таълим жараёнининг ҳам обьекти, ҳам субъекти”. Бу фикрни қандай тушуниш мумкин? Бир пайтнинг ўзида ҳам обьект, ҳам субъект бўлиш мумкинми?

Юқоридагилардан келиб чиқиб, муаммоли ўқитиши технологияларининг ўзига хос жиҳатларини қўйидагича таснифлаштириш мумкин:

*Қўлланиши даражаси бўйича*: умумпедагогик.

*Фалсафий асосига кўра*: прагматик + мослашувчанлик.

*Асосий ривожланиши омилларига кўра*: биоген (Дъюи бўйича) + социоген + психоген.

*Ўзлаштириши концепцияси бўйича*: ассоциатив-рефлекторли + бихевиористик.

*Шахсга йўналганлигинининг тузилиши бўйича*: БКМ + АФУ.

*Мазмунига кўра:* таълимий, дунёвий, умумтаълимий, инсонпарвар + технократик.

*Бошқарилишига кўра:* кичик гурӯҳлар тизими.

*Ташкил этиши шаклига кўра:* гурӯхли, академик + клубли.

*Болага ёндашувига кўра:* эркин тарбия.

*Кўлланиладиган методига кўра:* муаммоли.

*Замонавийлаштиришига йўналганилигига кўра:* талабалар фаолиятини фаоллаштириш ва жадаллаштириш.

*Гаълим олувчиларни қамраб олишига кўра:* оммавий.

Кўриниб турибдики, муаммоли ўқитиш – икки томонламали жараён: бир томондан, бу муаммоли ўқитиш (ўқитувчи фаолияти соҳаси), иккинчи томондан, муаммоли ўқиш (талабалар фаолияти соҳаси). Муаммоли ўқитиш – бу ўқитувчининг ўқув муаммосини қўйиш ва муаммоли вазиятларни яратиш, мазкур ўқув муаммоларини ҳал этишда талабаларнинг ўқув фаолиятини бошқариш фаолияти. Бу яна талабаларнинг уларни олдига кўндаланг қуйилган муаммони ҳал этишдаги иштироки давомида билимларни ўзлаштириш бўйича ташкил этилган фаолиятидир.

**2.Лойиха таълим технологияси.** Лойихавий таълим қўидаги долзарб муаммоларни ҳал этиш имконини беради ва давр талабига айнан мос келади:

- 1) таълимни реал ҳаётга юқори даражада яқинлаштирилганвазиятда амалга оширишни таъминлайди;
- 2) назарий маълумотларни амалий фаолият билан боғлаш ва талабаларни фаол мустақил билишжараёнига жалб этиш имконини беради;
- 3) касбий ва таянч лаёқатларини шакллантириш ва ривожлантиришни таъминлайди.

Лойихали таълимнинг асосий тушунчаларига қуйилагилар киради:

- 1) лойиха;
- 2) лойихалаштириш;
- 3) лойихавий фаолият;
- 4) ўқув лойихаси;

- 5) ўқув лойиҳавий фаолият;
- 6) лойиҳавий таълим;
- 7) лойиҳавий таълимнинг технологияси.

Қуидада биз мазкур тушунчалар асосида лойиҳали таълимнинг ўзига хосликларини ёритиб берамиз.

Лойиҳа (design - дизайн) – баъзи мураккаб ишланмаларни яратиш бўйича ҳужжатлар йифиндиси. Лойиҳа (projekt) – тушунчаси кенгроқ ифодаланиб, маълум натижа (ложиҳанинг бекиёс маҳсули)га эга мақсадли фаолиятни ташкил этиш учун бирор-бир ташкилий шаклни белгилаш учун фойдаланилади.

Лойиҳалаштириш - («ложиҳа» сўзидан) – реал натижага олиб келувчи, қатъий тартибга солинган ҳаракатлар изчилигини ўз ичига оловчи муаммони ўзгартирувчи фаолиятни англатади.

Таълим маъносидаги лойиҳалаштириш ўқитувчи томонидан талабанинг муаммони излаш, уни ҳал этиш бўйича фаолиятни режалаштириш ва ташкил этишдан то (интеллектуал ёки моддий маҳсулотни) оммавий баҳолаш учун уни ҳал этиш усулини тақдим этишгача мустақил ҳаракат қилишини таъминловчи маҳсус (лаборатория шароитларида) ташкил этилган мақсадли ўқув фаолиятидир.

Лойиҳавий фаолият ўзига хос қўринишга эга бўлиб, қуидаги таркибий кисмларни ўз ичига олади: лойиҳа концепциясини ишлаб чиқиш, лойиҳавий фаолиятни ташкил этиш, лойиҳавий фаолиятни режалаштириш, лойиҳавий вазифаларни ҳал этиш, лойиҳани расмийлаштириш, ҳисобот тузиш, натижалар тақдимотини тайёрлаш, лойиҳанинг оммавий тақдимоти, ҳимояси ва баҳоси, рефлексия, ҳисобот топшириш (2.2.1-расм).

“Ўқув лойиҳаси” тушунчаси кенг қамровга эга бўлиб, қуидаги мазмунга эга:

- муайян истеъмолчига мўлжалланган, муаммоларни излаш, тадқиқот қилиш ва ечиш, натижани ноёб (моддий ёки интеллектуал) маҳсулот

кўринишида расмийлаштиришга қаратилган талабларнинг мустақил ўқув фаолиятини ташкил қилиш усули;

- назарий билимлар орқали амалий вазифаларни ечишга қаратилган ўқув воситалари ва қуроллари; ривожлантирувчи, таълим ва тарбия ҳамда билимларни кенгайтириш, чуқурлаштириш ва малакаларни шакллантиришга қаратилган дидактик восита.



### **1-расм. Лойихавий фаолиятнинг тузилиши ва мазмуни**


Ҳозирги вақтда таълим амалиётида лойиханинг хилма-хил турларидан фойдаланилади:

- 1) етакчи фаолият турига кўра: тадқиқот, амалий йўналтирилган ва ахборотли;
- 2) фанга йўналтирилганлигига кўра: монолойиха ва фанлараро лойиха;
- 3) давомийлигига кўра: ўзоқ муддатли, ўрта муддатли, қисқа муддатли;
- 4) лойиха иштирокчиларининг сонига кўра: индивидуал ва гурӯҳли.

Мазкур ўқув лойихаларининг ҳар бири ўзининг мақсади, натижаси ва мавзуу баҳси юзасидан бир-биридан фарқланади (2.2.2-расм). Масалан, ахборот тавсифига эга лойиханинг мақсади муаммонинг ҳолати тўғрисида

маълумот тўплаш, унинг таҳлили, умумлаштирилиши, ёритилиши ва муаммони ҳал этишнинг мавжуд усуллари ва воситалари таснифи, уларнинг устунликлари ва камчиликларини изоҳлаш (асослаш)дан иборат бўлса, тадқиқотчиликка доир лойиҳада эса, тадқиқотни амалга ошириш, тадқиқот асосида муаммонинг асосланган изоҳи, келгусида ривожланиш учун янги муаммоларни асослаш мақсад сифатида белгиланади.

Худди шундай натижасига кўра ҳам лойиҳалар алоҳида ўзига хосликка эга. Масалан, тадқиқот тавсияига эга лойиҳа натижаси ҳисобот, маъруза, кейс билан тугаса, амалий йўналтирилган лойиҳалар эса истиқболли режа, ҳаракатлар дастури, стратегия, маълумотнома каби натижаларга эга бўлади.



## 2-расм. Ўқув лойиҳаларининг қиёсий таҳлили

Ўқув лойиҳавий фаолият – бу қўйилган вазифага эришиш, таълим олувчилар учун муҳим ва аниқ фойдаланувчига мўлжалланган бирор-бир якуний маҳсул кўринишида расмийлаштирилган, муаммони ечиш учун таълим олувчиларнинг белгиланган изчилликдаги ҳаракатлари мажмуаси.

Ўқув лойиҳавий фаолият уч босқичда амалга оширилади:

1. Тайёргарлик босқичи. Мазкур босқич аудиторияда амалга оширилиб, иккита фазани ўз ичига олади: лойихага киришиш ҳамда лойиха фаолиятини ташкил этиш ва режалаштириш.

Лойихага киришиш босқичида талабалар:

- 1) вазиятга мослашиш;
- 2) муаммони шахсан ўзлаштириш (муаммони тушуниш ва амалий фаолиятнинг муайян соҳаси учун унинг ечими долзарб ва мухимлигини англаш);
- 3) лойиханинг мақсади, муаммони ҳал этиш масалаларини қабул қилиш, аниқлаштириш ва муайянлаштириш;
- 4) лойиханинг натижаси (маҳсулоти) ва уни тақдим этиш шаклларини англаш, лойиханинг бошқа иштирокчилари ва ўқитувчи билан мулоқотнинг характеристини белгилаб олишади.

Лойихага киришишнинг режалаштириш фазасида:

- 1) гурухларга бирлашишади;
- 2) лойиха бўйича ишлар турларини ажратиб, қатнашчилар орасида тақсимлашади;
- 3) лойиха бажариш бўйича ишчи режасини ишлаб чиқишади;
- 4) уни бажаришнинг оптимал усуслари ва воситаларини танлашади;
- 5) натижа тақдимотини расмийлаштириш усуслари ва шаклларини белгилашади;
- 6) лойиха масъули, ҳисбот ва тақдимотни баҳолаш мезонларини мухокама қилишади.

2. Лойихани бажариш босқичи аудиториядан ташкарида амалга оширилиб, ушбу даврда талабалар ўзларининг вазифалари билан мувофиқ тарзда ва маълум қилган ҳолда фаол ва мустақил ишлайдилар:

- 1) турли манбалардан ахборот тўплаш, таҳлил этиш ва умумлаштириш ишларини олиб борадилар;
- 2) тадқиқот ўтказадилар, натижаларни таҳлил этишади;
- 3) зарурат туғилганда маслаҳатлашадилар;

- 4) оралиқ натижаларни мұхокама қиладилар;  
5) ҳаммадан олинган натижаларнинг умумий түрлерини ва  
мұхокамасини ўтказадилар.

3. Якунловчи боскич ҳам аудиторияда ташкил этилиб, лойиха тақдимоти, талабалар маҳсулоти ва лойиха фаолиятининг баҳоланиши, лойиха фаолияти рефлексияси кабиларни ўз ичига олади:

1) лойиҳанинг жамоавий тақдимоти вақтида қуидагиларни акс эттиришади:

- муаммо, мақсад ва вазифаларни тушуниш;
  - ишни режалаштириш ва амалга оширишни билиш;
  - ечимларни излаш жараёни таҳлил қилиш;

2) лойиҳалар ва тақдимотнинг ўзаро баҳолашади;

3) фаолият ва натижанинг рефлексиясини амалга оширишади: иш давомида ва якунида юзага келган ютуқларини англаш, йўл қўйилган хатоларни таҳлил қилиш, шахсий ўзгаришларини англашни намоён этадилар;

4) лойиха фаолияти ҳақида ҳисобот топширишади.

Мазкур босқичларда амалга ошириладиган ўкув лойиҳаси ўзининг паспортига эга бўлиб, педагогик аннотация, лойиҳа топшириғи, талабаларга услубий кўрсатмалар, лойиҳа таълимнинг технологик картасини ўз ичига қамраб олади.

Педагогик аннотацияда күйидаги мухим жиҳатлар ўз аксини топади:

- 1) ўқув фанининг номи;
  - 2) лойиҳа мавзуси;
  - 3) қатнашчилар;
  - 4) таълимнинг мақсади;
  - 5) режалаштириладиган ўқув натижалари;
  - 6) талабалар лойиҳани муваффақиятли хал этиши учун аввал эгалланган билим ва кўникмалар рўйхати;
  - 7) лойиҳанинг турланиш белгиларига кўра тавсифномаси;
  - 8) лойиҳани бажариш тартиби;

- 9) лойиҳанинг баҳоланиши;
- 10) лойиҳавий таълимни ташкил этиш босқичлари;
- 11) таълим моделининг қисқача тавсифномаси.

**3. Портфолио технологияси.** Бўлажак мутахассисларда келажақда рақобатбардош, сафарбар бўлишлари учун уларда мустақилликни шакллантириш жуда муҳим. Айнан талабаларда мустақилликни ривожлантириш, уларни касбий фаолиятга тайёрлашда педагогга “Портфолио” технологияси ёрдам беради. Ўз-ўзидан савол туғилади: “Портфолио нима?”.

Мазкур саволга олимлар хилма-хил таъриф беришган:

- 1) назорат воситаси (И.А. Кныш, И.П. Пастухова);
- 2) профессор-ўқитувчининг баҳолашга доир фаолияти воситаси (Г.Б. Голуб, О.В. Чуракова);
- 3) баҳолаш ва ўзининг шахсий мувафаққиятини баҳолашнинг кўпфункцияли воситаси (Л.П. Макарова);
- 4) индивидуал мувафаққиятлар мониторингини амалга ошириш воситаси ёки имтиҳоннинг муқобил шакли (Т.Г.Новикова, М.А.Пинская, А.С.Прутченков);
- 5) таълим натижаларини белгилаб берувчи муқобил восита ёки технология (Л.Ванюшкина, Т.Г.Новикова, М.А.Пинская, А.С.Прутченков);
- 6) таълимий мувафаққиятларни ва қўшимча натижаларни баҳолаш воситаси (Т.Г. Новикова, М.А. Пинская, А.С. Прутченков);
- 7) талабанинг зарур ва истиқболли имконият ва қобилиятларини, унинг кучли ва кучсиз томонларини қўрсатиб бериш, шахсий, касбий ва ижодий салоҳиятини очиб беришнинг объектив ва максимал равишда тўлиқ аниқлаш воситаси (И.А. Кныш, И.П. Пастухова).

Юқоридаги фикрларни умумлаштириш асосида портфолионинг куйидаги муҳим хусусиятларини ажратиб қўрсатиш мумкин:

- 1) талабаларнинг ўқув фаолияти натижаларини тизимли ва узлуксиз баҳолаш ҳамда ўз-ўзини баҳолашнинг янги шакли;

2) таълимдаги компетентли йўналтирилган ёндашувни қўллаб-куватловчи таълим технологияси;

3) талабаларнинг факат ўқув фаолияти натижаларинигина эмас, балки уларнинг мувафаққиятига туртки бўлган барча куч ва имкониятларни ҳар томонлама намойиш қилишга доир иш тўплами;

4) таълимнинг маълум бир даврида талабаларнинг ўқув натижаларини намойиш этиш;

5) баҳолаш учун тақдим этилган ишларни танлаб олишда бевосита иштирок этиш, бундан ташқари ўз-ўзини таҳлил этиш ва ўз-ўзини баҳолаш, яъни талабаларда рефлексив қобилиятни шакллантирувчи талаба иши антологияси. Рефлексиянинг моҳияти инсоннинг ўз-ўзини рвиожлантиришга доир зарур хуносалар чиқариши, ўз имкониятлари ва мувафаққиятини адекват баҳолашга доир билим, кўникмаларини аниқлашга доир билиш фаолиятида намоён бўлади.

Ана шу сабабли портфолиони яратишнинг мақсади таълим натижалари бўйича талабанинг ривожланишини намойиш этиш ва у нимани билмайди, нимани бажара олмайди, худди шундай нимани билади, нимани бажара олмайди деган саволга жавоб топишидир. Портфолио ўзида белгиланган тартибда ташкиллаштирилган ўқув материаллари тўпламини акс эттиради. Ундаги катта блоклар бўлимлар, унинг ичидагилар эса лавҳа (рубрика)лар деб номланади. Бўлим ва лавҳалар сони ҳамда уларнинг номланиши ҳар бир аниқ вазиятдан келиб чиқсан ҳолда турлича бўлиши мумкин. Портфолиода бўлимлар ва материалларнинг номланиши аниқ шакллантирилган бўлиши талаб этилади. Ҳужжат ва материалларни йиғишни талаба ўзи мустақил амалга оширади.

Тадқиқотимиз натижалари шуни кўрсатадики, ўқув портфолионинг қуийидаги турларидан фойдаланиш мақсаддага мувофиқдир:

1. “Ҳужжатлар портфолиоси”. Бундай турдаги портфолио индивиудал таълимий муваффақиятларнинг сертификатланган портфели: диплом, фахрий ёрлик, гувоҳнома ва бошқалар.

2. “Ишлар портфолиоси” ўзида турли хил ижодий ишлар, лойиҳалар, тадқиқот ишларини акс эттиради: рейтинг дафтарчаси, ижодий иш дафтари, электрон хужжатлар, моделлар, лойиҳалар, ижтимоий амалиётга доир ҳисоботлар. Мазкур портфолиода талаба мустақил ва гурухдошлари билан биргаликда тўплаган адабиётлар, даврий нашрларнинг ксеронусхалари, иллюстрациялар жойланади.

3. “Тақризлар портфолиоси”да талабанинг эришган ютуқларини баҳолашга доир хуносалар, тақризлар, резюмелар, эсселар, тавсиянома ва тавсифномалар тақдим этилади.

4. “Натижалар портфолиоси” белгиланган йўналиш бўйича эгалланувчи талabalар маҳоратини жамлаш учун қўлланилади; талabalар ёки педагоглар томонидан жамланган талabalарнинг энг яхши ишларини ўзида акс эттиради. Натижалар портфолиоси индивидуал ва гуруҳли бўлиши мумкин. Гуруҳ натижалари портфолиоси ғоясидан “Энг яхши талabalар гуруҳи” конкурсида фойдаланиш мумкин.

5. “Баҳоловчи портфолио” талabalарнинг эгаллаган билим ва кўнилмаларини назорат қилиш учун йиғилади ва турли хилдаги назорат материалларидан ташкил топади: назорат ишлари, тестлар, чизмалар, кроссвордлар ва бошқалар. Баҳоловчи портфолиони педагог мустақил равишда тузиши ва таълим олиш курси тугашигача бўлган вақтга мўлжаллаши мумкин.

6. “On-line-портфолио” хилма-хил шаклларда қўлланилиши мумкин. Бундай портфолионинг биринчи шаклида талabalар олий таълим муассасаси ёки факультет сайтига материаллар қўшишлари, иккинчи кўриниши сифатида ўзларининг шахсий веб-сайтини яратиш ва ўз тушунгани асосида семестр якуnlари бўйича ҳисббот тарзида тайёрланадиган портфолиодан фойдаланиш мумкин.

Талabalарни портфолио яратишга доир фаолият қўйидаги қадамлар кетма-кетлигидан иборат бўлади:

1-қадам. Дастлаб талабаларда портфолио яратишга доир мотивация ҳосил қилинади. Талабаларга портфолионинг афзаликлари, уни яратишдан кўзланган мақсад, портфолионинг турлари ҳақида маълумот берилади. Сўнгра портфолионинг тузилиши билан таништирилади:

- 1) титул қисми;
- 2) мундарижа;
- 3) портфолионинг мақсадини кўрсатиш.
- 4) портфолионинг бўлимлари ҳақида маълумот бериш.

2-қадам. Талабалар билан ҳамкорликда портфолионинг тури ва тузилиши ҳақида келишиб олинади.

“Ишлар портфолиоси” портфолиолар яратишга қўйиладиган талабларга мувофиқ тўртта бўлимни ўз ичига олади: 1. Менинг қиёфам. 2. Коллектор. 3. Иш материаллари. 4. Ютуқлар.

“Менинг қиёфам” бўлимининг мақсади: талабаларнинг ўзлари ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш. Мазкур бўлимда талабанинг расми, эссе, анкета, тавсифномалари ўрин олади. Унда қуидаги лавҳалар мавжуд:

- “Менинг анкетам”;
- “Танишинг – бу мен!”;
- “Менинг ўйларим”;
- “Мен ва менинг қизиқишлиарим”.

“Коллектор” бўлимининг мақсади талабанинг педагогик фанларга доир тўплаган материалларини тақдим этиш. Уларга адабиётлар рўйхати, чизма, жадвал ва расмлар, мақолаларнинг ксеронусхалари ҳамда курсдошларининг ижодий материаллари киритилади. Мазкур бўлимда талабалар қуидаги лавҳаларни тайёрлашди:

- “Иш столи”;
- “Бу қизик”;
- “Курсдошларимнинг ижодидан”.

“Иш материаллари” бўлимида талабаларнинг ўзлари томонидан яратилган ва тизимлаштирилган барча материаллар киритилади. Мазкур бўлим қуидаги лавҳаларни ўз ичига қамраб олади:

- “Ёзма ишлар”;
- “Менинг мулоҳазаларим”;
- Шахсий хатоларим таҳлили”.

“Ютуқлар” бўлимига талабаларнинг ўқув йили ва яхлитликда таълим олиш босқичларида эришган энг яхши натижалари киритилади. Шунингдек, талабаларнинг қизиқиш ва интилишларини рағбатлаш мақсадида қуидаги лавҳаларни киритиш имконияти берилади:

- “Менинг бунёдкор ғоям”;
- “Менинг таълимдаги ташаббусим”.

3-қадам. Портфолиони яратиш муддати ва вақти белгилаб олинади.

4-қадам. Портфолиони баҳолаш мезонлари келишиб олинади. Портфолиони баҳолашда қуидаги тамойилларга риоя қилини таъкидлаб ўтилди: 1) саводхонлик; 2) эстетиклик; 3) мақсадга эришилганлик; 4) мазмуннинг бойлиги; 5) ижодий ёндашув.

5-қадам. Баҳолаш тизимини яратиш ва назорат объектларини аниқлаш (портфолионинг айрим бўлимлари (масалан, “Менинг қиёфам”) қисман баҳоланиши, асосий эътибор “Иш материаллари”га қаратилиши таъкидлаб ўтилади).

## **Назорат саволлари**

1. Муаммоли ўқитиш технологиясининг ўзига хосликлари.
2. Лойиҳа таълим технологияси.
3. Портфолио технологияси.
4. Муаммоли таълимнинг бош мақсади
5. Муаммоли таълимнинг асосий тушунчалари:

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ишмуҳамедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари /Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультети тингловчилари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқитувчилари учун услубий тавсиялар. – Т.: ТДПУ, 2004.
2. Воинова М.Г. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. – Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2006
3. Жукова Е.Д. Технология организации и реализации самостоятельной работы студентов : рабочая тетр. – Уфа : Изд-во БГПУ, 2004.

## **4-МАВЗУ. ГУРУХИЙ ҲАМКОРЛИКДАГИ ФАОЛИЯТ - ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМНИНГ АСОСИ.**

### **РЕЖА:**

1. Ҳамкорликда ўқитишининг афзалликлари ва ўзига хосликлари.
2. Ҳамкорликда ўқитишиш методлари.
3. “Кичик гурух – қайта алоқа” тести.

**Таянч тушунчалари:** ҳамкорлик, ҳамкорликда ўқитишиш, командада ўқитишиш, билим, кўникма, малака.

### **1. Ҳамкорликда ўқитишининг афзалликлари ва ўзига хосликлари.**

Ҳамкорликда ўқитишиш ғояси турли мамлакатлардаги жумладан Америкадаги Ж.Хопкинс университети профессори Р.Славин (1990), Миннесот университети профессорлари Р.Жонсон, Д.Жонсон (1987), Калифорния университети профессори Ж.Аронсон (1978), Изроилдаги Тель-Авив университети профессори Ш.Шаран (1988) томонидан ишлаб чиқилган.

Америка олимлари томонидан ишлаб чиқилган ҳамкорликда ўқитишиш асосан талабаларда ДТС ва фан дастурида қайд этилган билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш, Изроил ва Европа олимлари томонидан тавсия этилган ҳамкорликда ўқитишиш юқорида қайд этилганлар билан бир қаторда, кўпроқ талабалар томонидан ўқув материалини қайта ишлаш, лойиҳалаш фаолиятини ривожлантириш, ўқув баҳси ва мунозаралар ўтказишни назарда тутади.

Мазкур ғоялар бир-бирини тўлдиради, дидактик жиҳатдан бойитади ва бир-бирини тақозо этади.

Ҳамкорликда ўқитишиш ғояси дидактикада 1970 йилларда пайдо бўлган. Ҳамкорликда ўқитишиш технологияси Буюк Британия, Канада, Фарбий Германия, Австралия, Нидерландия, Япония, Изроил мамлакатлари таълим муассасаларида кенг қўлланила бошлаган.

Ҳамкорликда ўқитишининг асосий ғояси ўқув топшириқларни нафақат биргаликда бажариш, балки ҳамкорликда ўқишини ўрганишdir.

Ҳамкорликда ўқитиши ҳар бир талабани кундалик қизғин ақлий меҳнатга, ижодий ва мустақил фикр юритишига ўргатиши, шахс сифатида онгли мустақилликни тарбиялаш, ҳар бир талабада шахсий қадр-қиммат түйғусини вужудга келтириш, ўз кучи ва қобилиятига бўлган ишончни мустаҳкамлаш, таҳсил олишда маъсулият ҳиссини шакллантиришни кўзда тутади.

Ҳамкорликда ўқитиши технологияси ҳар бир талабанинг таҳсил олишдаги муваффакияти гурух муваффакиятига олиб келишини англаған ҳолда мунтазам ва сидқидилдан ақлий меҳнат қилишга, ўқув топшириқларини сифатли бажаришига, ўқув материалини пухта ўзлаштиришига, ўртоқларига ҳамкор бўлиб, ўзаро ёрдам уюштирилишига замин тайёрлайди.

**3. Ҳамкорликда ўқитиши методлари.** Ўқитувчи таълим жараёнида ҳамкорликда ўқитиши методларидан фойдаланиш мақсадида қуидагиларни:

- қайси мавзуларни ҳамкорликда ўқитиши методларидан фойдаланиб ўрганиш мумкинлигини аниқлаши ва мазкур дарсларни тақвим-режада белгилаши;
- ушбу мавзу бўйича талабаларга тавсия этиладиган ўқув топшириқлари ва уларни бажариш юзасидан қўрсатмаларни тайёрлаши;
- ҳамкорликда ўқитиши методларидан фойдаланиб ўтиладиган дарс тури, дарс структураси ва боришини лойиҳалаши;
- ўтган ва янги мавзулар юзасидан талабалар билимини назорат қилиш учун тест топшириқларини тузиши керак.

Мазкур методлардан фойдаланганда шуни назарда тутиш керакки, талабалар ўз шериклари билан ҳамкорликда ўқув топшириқларни тўғри бажаришлари баробарида гурух аъзоларининг фаоллиги, ҳамкорликнинг вужудга келиши, улар ўртасидаги мулокотда мулокот маданияти тамойилларига амал қилиниши ҳам ҳисобга олинади.

Шундай қилиб, гурух аъзолари бир вақтнинг ўзида иккита топшириқни бажаради:

1. Академик топшириқ - билиш ва ижодий изланиш орқали ўқув топшириқларидан кўзланган мақсадга эришиш;

2. Ижтимоий-психологик топшириқ - дарс давомида юксак муроқот маданиятига эга бўлиш, одоб осойишталигини сақлаш;

Ўқитувчи ҳар иккала топшириқнинг юқори савияда бажарилишини назорат қилади.

Ўқитувчи биологиятаълим жараёнида ҳамкорликда ўқитиш методларидан фойдаланиши учун ушбу технологиянинг ўзига хос хусусиятларига оид билим, кўникма ва малакаларни, талабаларнинг мустақил ишлари, ўқув баҳси ва мунозараларни самарали ташкил этиш йўлларини эгаллаган, талабаларда эса дарслик, илмий-оммабоп адабиётлар устида мустақил ва ижодий ишлаш, ўз фикрини қисқа ва аниқ баён этиш, фикрларни асослаш ва далиллаш, мантиқий фикр юритиш, ўқув баҳси ва мунозараларда фаол қатнашиш кўникмалари шаклланган ва онгли интизом вужудга келган бўлиши лозим.

Ҳамкорликда ўқитиш технологиясининг бир нечта методлари мавжуд:  
**Командада ўқитиш** (Р.Славин) да талабалар тенг сонли иккита командага ажратилади. Ҳар иккала команда бир хил топшириқни бажаради. Команда аъзолари ўқув топшириқларини ҳамкорликда бажариб, ҳар бир талаба мавзудан кўзда тутилган билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришига эътиборни қаратади.

Ҳамкорликда ўқитиш технологияси муаллифларидан бири бўлган Р.Славиннинг таъкидлашича, талабаларга топшириқларни ҳамкорликда бажариш бўйича кўрсатма берилиши етарли эмас. Талабалар ўртасида том маънодаги ҳамкорлик, ҳар бир талабанинг қўлга киритган муваффақиятидан қувониш, бир-бирига сидқидилдан ёрдам бериш хисси, қулай ижтимоий-психологик муҳит вужудга келиши зарур. Мазкур технологияда талабаларнинг билимларни ўзлаштириш сифатини аниқлашда уларни бир-бири билан эмас, балки ҳар бир талабанинг кундалик натижаси аввал қўлга киритилган натижа билан таққосланади. Шундагина талабалар ўзининг дарс

давомида эришган натижаси командаға фойда келтиришини англаған ҳолда маъсулиятни хис қилиб, кўпроқ изланишга, билим, кўникма ва малакаларни пухта ўзлаштиришга интилади.

**Кичик гурухларда ҳамкорликда ўқитиш** (Р.Славин 1986). Бу ёндашувда кичик гурухлар 4 та талабадан ташкил топади. Ўқитувчи аввал мавзуни тушунтиради, сўнгра талабаларнинг мустақил ишлари ташкил этилади. Талабаларга берилган ўқув топшириқлари 4 қисмга ажратилиб, ҳар бир талаба топшириқнинг маълум қисмини бажаради. Топшириқ якунида ҳар бир талаба ўзи бажарган қисм юзасидан фикр юритиб, ўртоқларини ўқитади, сўнгра гурух аъзолари томонидан топшириқ юзасидан умумий холоса чиқарилади. Ўқитувчи ҳар бир кичик гурух ахборотини тинглайди ва тест топшириқлари ёрдамида билимларни назорат қилиб баҳолайди.

Талабаларнинг кичик гурухлардаги ўқув фаолияти ўйин (турнир, мусобақа) шаклида, индивидуал тарзда ҳам ташкил этилиши мумкин.

### **Ҳамкорликда ўқитишнинг зигзаг ёки appa методи.**(Э.Аронсон 1978).

Педагогик амалиётда бу метод қисқача “арра” методи деб номланади. Мазкур методда кичик гурухлар 6-8 та талабадан ташкил топади. Дарс давомида ўрганиладиган мавзу мантиқан тугалланган қисм (блок ёки модул)ларга ажратилади. Ҳар бир қисм юзасидан талабалар бажариши лозим бўлган ўқув топшириқлар тузилади. Ҳар бир талабалар гурухи мазкур топшириқларнинг биттасини бажаради ва шу қисм бўйича “мутахассис”га айланади. Сўнгра гурухлар қайта ташкил этилади. Бу гурухларда ҳар бир қисм (блок ёки модул) “мутахассиси” бўлиши шарт, мазкур “мутахассис”лар ўзлари эгаллаган билимларни худди “арра” тишлари кетма-кет келганидек, навбат билан ўртоқларига баён қиласи. Мазкур гурухларда ўқув материали мантикий кетма-кетлиқда қайта ишлаб чиқилади.

Шуни қайд этиш керакки, ушбу дарсда талабалар икки марта гурухларга ажратилади.

Биринчи гурух “мутахассислар” тайёрлаш гурухи.

Мазкур мавзу бўйича ўқув материали мантиқий тугалланган фикрли тўртта қисмдан иборат бўлғанлиги сабабли, дарсда қатнашаётган 32 та талаба дарс бошланишидан олдин 4 хил рангдаги карточкалар ёрдамида тенг сонли тўртта 8та талабадан иборат “мутахассислар” гуруҳига ажратилади. Улар ўзларига тегишли ўқув топшириқларни бажаради ва шу қисм бўйича “мутахассислар”га айланади.

Иккинчи гурух “мутахассислар” учрашуви гурухи. Рангли карточкаларнинг ҳар бирининг орқа томонида 1 дан 8 гача рақамлар ёзилган бўлиб, барча рангли карточкалардаги рақамлар йифиндиси аудиториядаги талабалар сонига тенг бўлиши лозим.

“Мутахассислар” учрашуви карточкаларнинг орқа томонидаги рақамлар асосида 8 та гурух ташкил этилиб, бу гуруҳлар таркибига бир хил рақамли 4 хил рангдаги карточкаларга эга бўлган 4 та талаба киради. Шуни қайд этиш керакки, бу гуруҳларда ҳар бир қисм (блок ёки модул) “мутахассиси” бўлиши шарт.

Мазкур учрашувда “мутахассислар”лар ўзлари эгаллаган билимларни худди “арра” тишлари кетма-кет келганидек, навбат билан ўртоқларига баён қиласди. Ушбу гуруҳларда ўқув материалининг 4 та қисми мантиқий кетма-кетликда қайта ишлаб чиқиласди. Сўнгра ўқув материали юзасидан тузилган топшириқлар яхлит ҳолатга келтирилиб, гуруҳлар ўртасида савол-жавоб, мунозара ўтказилади.

Талабалар билимларни пухта эгаллашнинг ягона йўли ўз ҳамкорининг ахборотини диққат билан тинглаш эканлигини англаган ҳолда, мушоҳада юритишга, керакли маълумотларни дафтарга ёзишга харакат қиласди. Бу ерда ўқитувчи фақат талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этадиган ташкилотчи вазифасини бажаради. Дарс охирида ўқитувчи талабаларнинг билим даражасини тест топшириқлари ёрдамида аниклади. Ҳар бир талабанинг билими сифатидаги ўсиш хисобга олинади.

Талабалар билими тест саволлари ёрдамида индивидуал тарзда ўтказилиб назорат қилинади ва баҳоланади. Гурух аъзоларининг баллари жамланади, энг юқори балл тўплаган гурух ғолиб саналади.

Хулоса қилиб айтганда, ўқитиш жараёнининг самарадорлиги ўқитувчи томонидан талабаларнинг билиш фаолиятини ўқитиш вазифалари ва мақсадларига мувофиқ ташкил эта олиш кўникмаларини эгаллаганлик даражасига боғлиқ бўлади.

### **3. “Кичик гурух – қайта алоқа” тести.**

Мақсади:

- талабаларнинг ахборотни ўзлаштирганлик даражасини нисбатан тез ўлчаш;
- таълим жараёнида талабаларнинг ўзларининг иштироклари асосида ўтилган материални ўзлаштирилганлигини назорат қилишнинг таълимий функциясини фаоллаштириш.

1. Ўқитувчи саволни шакллантиради.
2. Талабалар ёзма жавоб ёзишади.
3. Ўқитувчи иккинчи саволни шакллантиради, талабалар жавоб беришади ва худди шу тарзда беш, ўн ва ундан ортиқ саволлар тақдим этилади.

Талаба (тингловчининг исми ва фамилияси) – <b>Мен</b>	Гурух	Эталон
1.		
2.		
3..... ва бошқалар		

**4.** Талабалар ўз жавобларини ёзиб бўлишгач, жавобларининг тўғрилигини кичик гурухларда мухокама этишади. Агар улар ўз жавобларини ўзгартиришса, улар янги жавобни “гурух” устунига ёзишади. Ана шу шаклда барча саволлар мухокама қилинади.

Талаба (tinglovchining исми ва фамилияси) – <b>Мен</b>	<b>Гурӯҳ</b>	<b>Эталон</b>
1.	1.	
2.	2.	
3..... ва бошқалар	3..... ва бошқалар	

**5.** Машғулотнинг кейинги босқичида жавоблар эталони тақдим этилади. Агар бу талабалар томонидан материални яхши эслаб қолишга ёрдам берса, жавоблар эталонини ёзма равишда бериш мумкин. Талабалар эталон билан “Мен” ўз жавобларини таққослаб кўришади ва ўзига нулдан бешгача бирликда балл қўйишади. Кейин эталондаги жавоблар билан “гурӯҳ” устуnidаги жавобларни таққослайди ва яна ўзига нулдан бешгача бирликда балл қўяди.

**6.** Охирида мустақил жавоблар (“Мен” устуnidаги) ва гурухда иш (“гурӯҳ” устуни) учун қўйилган баллар ҳисоблаб чиқилади. Назоратнинг мазкур методи ўтилган материала бўйича гурухдаги таълимий ишни фаоллаштиришга ёрдам беради. Гурухда жавобларни таҳлил қилишда алоҳида талабаларнинг жавоблари коррекцияланади.

### **Назорат саволлари**

1. Ҳамкорликда ўқитишининг афзалликлари ва ўзига хосликлари.
2. Ҳамкорликда ўқитиши методлари.
3. “Кичик гурӯҳ – қайта алоқа” тести.
4. Кичик гурухларда ҳамкорликда ўқитиши
5. Ҳамкорликда ўқитишининг зигзаг ёки арра методи.
6. Кичик гурӯҳ – қайта алоқа” тести.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ишмуҳамедов Р.Ж. Инновацион технологиилар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари /Ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими муассасалари ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультети тингловчилари, академик лицей ва қасб-хунар коллежлари ўқитувчилари учун услубий тавсиялар. – Т.: ТДПУ, 2004.

2. Воинова М.Г. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. – Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2006

3. Жукова Е.Д. Технология организации и реализации самостоятельной работы студентов : рабочая тетр. – Уфа : Изд-во БГПУ, 2004.

## **5-МАВЗУ. ИНТЕРФАОЛ МАЪРУЗА ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ. РЕЖА:**

1. Конспект – маъруза технологияси.
2. Маъруза мунозара технологияси.
3. Орқага қайтишли маъруза технологияси.

**Таянч тушунчалар:** маъруза технологияси, конспект, маъруза – мунозара, орқага қайтишли маъруза.

**Конспект–маъруза.** Ушбу технологиянинг асосий мақсади талабаларнинг мустақил ишлаш қобилиятини ривожлантиришдан иборат. Шу билан бирга, ушбу усул аудиториядаги иш вақтини қисқартиришга ҳамда кам ўзлаштирган талабаларга ҳам умумий даражадаги ўзлаштира ошишга имкон беради.

Талабалар олдиндан вазифани олишади. Бу ўтилган мавзууни конспект қилиш, дарсликдан топшириқ бериш тарзида бўлиш мумкин. Кейинги дарсда талабалар асосий саволларни қисқа баён этадилар. Шундан сўнг талабалар ўртасида фаол фикр алмашиш амалга оширилади.

Машғулот сўнгидаги ўқитувчи якуний муҳокама ўтказади ва хulosा қиласи.

Бу усул албатта ҳамма талабалар вазифани тайёрлаб келгандагина, самарали бўлади. барча талабалар учун уй вазифасини тайёрлаш қизиқарли бўлиши учун, ўқитувчидан муҳокамага бериладиган мавзууни ана шундай ташкил эта олиш маҳорати талафутина қилинади.

Юқорида баён этганларимизни бошқа вариантда ҳам амалга ошириш мумкин: ўқитувчи мавзууни қисқача баён этади, қайсики талабалар уйида тайёрлаганлари бўйича. Ўқитувчи баён қилиш давомида талабаларни ўзининг маълумотларини тўлдиришга рағбатлайди. Буни шундай ташкил этиш керакки, талабалар маълумотни тўлдириш хоҳишига эга бўлсинлар.

**2. Маъруза – мунозара.** Ушбу технологиянинг мақсади талабаларнинг танқидий фикрлашини ривожлантириш, мавзууни тушуна олиш жараёнини фаоллаштириш ҳамда ўрганилган маълумотни янада чуқурроқ тушунишдан иборат.

Бунга кўра, ўқитувчи маърузани мантикий қисмларини баён этишда тезда фикрлар алмашишни ташкил этади. Танлаб олинган масалаларни маърузачи эшитувчилардан мустақил муҳокамасини амалга оширади. Мунозара иштирокчилари ўз фикрларини ўтирган жойларидан турмасдан ҳам билдиришлари мумкин.

Мунозара машғулот сўнгидаги бутун маъруза мазмани бўйича ҳам ўтказилиши мумкин.

Ҳатто маъруза давомидаги қисқа мунозара ўқув жараёнини жонлантириб юборади, тингловчиларнинг билиш фаоллигини фаоллаштиради, энг муҳими, маърузачига бутун гурухнинг фикрини бошқаришга ёрдам беради.

Маъруза →	Мунозара →	Маъруза →	Мунозара →	Хуносалар
-----------	------------	-----------	------------	-----------

Ушбу технология яхши ишлаган. Маъруза – мунозара технологиясини жорий этиш ишланмалари ўртача даражада. Агар ўқитувчи технологияни яхши эгаллаган, мавзуни мазмунини ва хонадаги муҳитни яхши билса, машғулотга алоҳида тайёргарлик кўриш талаб этилмайди. Фақат талабаларни мунозарага жалб этиш учун саволларни олдиндан ўйлаб қўйиш зарур.

**3. Оркага қайтишли маъруза.** Мазкур технологиянинг мақсади ўрганилган машғулот мазмунини эслаб қолиш жараёнини фаоллаштириш, эшитиш биланоқ эслаб қолиш қобилиятини ривожлантириш ҳамда машғулот давомида ўқув материалини ўзлаштириш даражаси ҳақида тезкор ахборотга эга бўлишдан иборат.

Албатта, тингловчилар маъруза сўнгидаги уларга текширув саволлари жавоблари билан бирга берилишини билса мазкур усул талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиради.

Ҳар бир талаба карточка олади. Ўқитувчи саволни шакллантиради ва бир нечта муқобил жавобларни талабага тақдим этади. Талабалар саволга жавоб берадилар, ҳамда тўртбурчакдаги саволлар остидаги жавобга мос рақамни белгилайдилар. Сўнг карточкани қайтарилади ва маърузачи бирдан натижани эълон қиласди.

№ аудитория	Саволларга жавоблар					Тўғри жавоблар сони
	I	II	III	IV	V	
Сана _____ Мавзу _____						
Жавоблар коди						

Баъзан ўқув маъruzасида текширишдан сўнг баҳолари эълон қилинади. Қайта алоқали маъруза амалга оширилгандан сўнг бир оз бўлса-да, талабаларнинг маъruzадаги иштироки ва фаоллиги (сезиш, англаш, тушуниш, жалб қилиш) ошади.

Ушбу технология яхши ишланган. Сарфланган вақт мавзу мазмунини ўзлаштиришни қоплай олади.

### **Назорат саволлари**

1. Конспект – маъруза технологияси.
2. Маъруза мунозара технологияси.
3. Орқага қайтишли маъруза технологияси.
4. Маъруза мунозара технологиясининг ютуқ ва камчиликлари.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ишмуҳамедов Р.Ж. Инновацион технологиилар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари /Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультети тингловчилари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқитувчилари учун услубий тавсиялар. – Т.: ТДПУ, 2004.
2. Воинова М.Г. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. – Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2006
3. Жукова Е.Д. Технология организации и реализации самостоятельной работы студентов : рабочая тетр. – Уфа : Изд-во БГПУ, 2004.

## **6-МАВЗУ. ЎҚУВ МУНОЗАРАСИ – ТАЛАБАЛАР БИЛАН АУДИТОРИЯ МАШГУЛОТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ШАКЛИ СИФАТИДА.**

### **РЕЖА:**

1. Ўқув мунозарасининг ўзига хосликлари.
2. Ўқув мунозарасини ташкил этиш методикаси.

**Таянч тушунчалар:** ўқув мунозараси, методика, фикрларни жамловчилар, танқидчилар, фикрларни тезлатувчилар, катализатор, ақлий хужум, мунозара.

**1. Ўқув мунозарасининг ўзига хосликлари.** Ўқув мунозараси ёрдамида талабаларга муайян муаммо бўйича тўлиқ ахборотлар етказилади, мунозара учун танланган мавзуни талабалар аёвсиз “штурм” қиласидилар ва пировард натижада муаммога тегишли маълумотларни атрофлича ўргандилар.

Баҳс ва мунозара йўли билан турли ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш масаласига қизиқиши XX асрнинг 30-йилларидан бошланган, деб хисобланади. Чунки бу ҳодисага қизиқиши шу даврга келиб педагогика ва психология соҳаларига ҳам ёйилган ва бу ҳакда биринчи илмий психологик хуносалар қилган олим швейцариялик психолог Жан Пиажедир. У бола ижтимоийлашуви жараёнини ўрганар экан, унинг ўз тенгкурлари билан турли мавзуларда қиласидиган мунозара ёки баҳслари ундаги эгоистик шахсиятпастлик мавқеининг сусайиши ва шу тариқа ўз-ўзини англаш билан бир қаторда ўзгалар мавқеларини англаш ва «ўзга шахс бўла олиш» қобилиятини ўстиришни аниқлади. Немис олими Курт Левининг фикрича гуруҳдаги мунозара ҳар бир шахснинг гурухий фаолиятга нисбатан мотивациясини ошириб, шу билан бирга ҳар қайси аъзонинг гурухий жараёнларга қўшилиши, ўз мавқеини англаш, ўзгаларга ниманидир дейин каби эҳтиёжларни оширади. Эркин, демократик тарзда фикр алмашиниш имкониятиning яратилиши муҳокама қилинаётган муаммо бўйича гуруҳ аъзоларидаги фикрлаш жараёнини тезлаштиради, уларнинг ижтимоий мавқеларини янада фаоллаштиради.

Мунозаранинг моҳияти ва аҳамияти илмий жиҳатдан қуидагича изоҳланади: анъанавий маъруза тингловчилари таниширилаётган муаммога нисбатан тахминан бир хил нейтрал мавқени билдирадилар, яъни ўша мавзу юзасидан ўзида тўғри фикр мавжуд бўлган шароитда ҳам маърузачининг билдираётган фикрларини ишончлироқ ва асосланганроқ, деб ҳисоблаб, мавзу юзасидан шахсий фикрини паст баҳолайди. Агар баён этилаётган фикрлар мутлоқа янги бўлса, унинг моҳиятига тўла тушуниб етиш ва тушуниш қийин, деган маънода яна фикрий пасайиш юзага келади. Фикрлар тўқнашувини тақоза қилувчи мунозарада эса қарама-қарши ёки монанд фикрларнинг борлигини англаш ҳам шахсда ушбу фикрларга нисбатан анча фаол мавқени шакллантиради.

Мунозаранинг қандай якунланишидан қатъи назар, яъни унда фикрлар кесишимаслиги ҳам мумкин ёки уларда маълум уйғунлик бўлиши кузатилади, бунда нима бўлганда ҳам баҳснинг мазмuni шахснинг ижтимоий тасаввурлари ва қарашларида мустаҳкам ўrnashadi ҳамда хотирада қолади.

Мунозара ҳар бир шахснинг ўз нуқтаи-назарини таҳлил қилишга имкон яратиб, ундаги ташаббускорлик, мулоқатдаги билимдонлик ҳамда ўз ақлий потенциалидан тўлиқ фойдаланиш имкониятини беради. Мунозара методида қуидаги вазифалар амалга ошади:

- мунозара қатнашчиларини реал вазиятларни таҳлил қилишга, асосий, муҳим нарсани номуҳим нарсадан ажратишга ва муаммони англашга ўргатади;
- ўзгалар фикри, гапириш маҳоратини кузатиш ва шу асосида улар билан ҳамкорликда ишлашга ундейди;
- муаммога тааллуқли ранг-баранг қирраларни ажратиш, улар моҳиятини англаш имкониятини яратади;
- муаммонинг турли муқобил ечимлари бўлиши мумкинлигини намойиш қиласди.

**2. Ўқув мунозарасини ташкил этиш методикаси.** Мунозара ёки баҳс гурухда мавжуд бўлади. Мунозара гурухларини катта ва кичик турларга

ажратиш мумкин (шахслар сони ва гурухнинг ҳажмига кўра). Кичик гурухда (10-20 кишилик) уюштирилган мунозараларнинг эркин мавзули, йўналтирилган ва аниқ сценарийли диспут турлари мавжуд бўлиб, бу танланган мавзуга ва мунозара гурухларининг мулоқат тажрибасига боғлиқдир. Кичик гурухлардаги мунозарадаги асосий нарса гурух аъзоларининг танланган мавзу хусусиятига қараб, ҳар бирининг ўз фикр-мулоҳазаларини охиригача баён этиш имкониятларининг борлигидир. Бундай гурунглар турли шароитда, кўпинча баҳс иштирокчилари учун табиий шароитларда ўtkазилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Катта гурухда (20-30 кишилик) мунозарани уюштиришнинг ўзига хос томони бор. Бу ҳолда баҳс гуруҳи шартли равища 3 га бўлинади. Биринчи гурух – “фикрларни жамловчилар” – генераторлар гуруҳи. Иккинчиси – “танқидчилар” гуруҳи. Учинчиси – “фикрларни тезлатувчилар” – катализаторлар гуруҳи. Ҳар бир гурухнинг ўзига хос функциялари бор: “генераторлар” ўртага ташланган муаммо ёки баҳс мавзуси бўйича ўзларидаги барча фикрларни ўртага холис ташлайдилар. Гурух аъзоларидан бири – лидер – уларни жамлаб, фикрлар иккига бўлинган тақдирда ҳам, уларни умумлаштириб баён этади. Сўнгра ўйинга “танқидчилар” киришади. Уларнинг вазифаси – эшитган фикрларига танқидий муносабат билдириш, яъни танқидий нуқтаи-назардан улар ичидаги “мағзини” ва “пучак” фикрларни саралаш. Мавзуга алоқадор бўлган лекин икки томон ҳам хисобга олмаган бирор жиҳат аниқланса, томонлар диққатини қаратиш керак бўлса, иккала гурухнинг ўйинига баҳо берган ҳолда мунозарани тўхтатиш – “катализаторлар”нинг вазифасидир. Улар кўпинча иккала гурух учун холис арбиртлар – “ҳакамлар” ролини ҳам ўйнашлари мумкин.

Катта гурухларда баҳс ёки мунозара уюштрилганда, бошловчининг роли айниқса каттадир. У гурухлар фаолиятини мақсадга мувофиқ тарзда йўналтириб турмоғи керак. Кичик гурухдагидан фарқли, катта гурухларда бошловчи у ёки бу гурухга ён босмаслиги, уларни ўзининг шахсий фикрига мажбуран эргаштирмаслиги лозим. Катта гурухда уюштириладиган

мунозаранинг мавзуси олдиндан танланган ва унга бошловчи маълум маънода тайёр бўлиши шарт.

“Мунозара”ни ўтказиш усули:

1. Етакчи мунозара мавзусини танлайди ва қатнашувчиларни таклиф қиласди;

2. Етакчи қатнашувчиларга муаммони “Ақлий хужум” масаласини беради ва уни ўтказиш тартибини белгилайди:

- “ақлий хужум”дан мақсад – муаммо ечимиға оид вариантларни мумкин қадар кўпроқ таклиф этиш;

- дикқатни муаммо ечимиға қараган ҳолда фикрлар билдиринг, бу ғояларингиз умумий фикрга зид бўлсада, рад этилмайди;

- бошқа иштирокчилар ғояларини ҳам ривожлантиринг;

- таклиф этилганларни баҳолашга уринманг, бу иш билан сиз кейинроқ шуғулланасиз.

3. “Ақлий хужум” вақтида билдирилган ғоя ва фикрларни ёзиб бориш учун котиб тайинланади. Бу босқичда гурӯҳ қатнашчиларининг ҳар бири ўз фикрини билдиришига шароит яратилади, биринчи босқич янги ғоялар пайдо бўлгунча давом этади;

4. Етакчи иккинчи босқичга ўтишдан аввал қисқа танаффус эълон қиласди. Иккинчи босқичда билдирилган фикр ва ғояларни гурӯхлаштириб, уларни таҳлил қилишга ўтилади;

5. Таҳлил орқали қўйилган вазифани энг мақбул ечимини топишга ҳаракат қилинади. Муаммонинг ечимиға тегишли бўлган фикрларгина ажратиб олинади.

Ўқитувчи мунозара пайтида қуидаги саволларни бериши мумкин:

- Сиз мисол келтира олмайсизми?
- Наҳотки! Нима учун?
- Бу фикр Азиз айтгани билан қандай қилиб мосланади?
- Демак, сиз Лоланинг фикрига қўшиласиз?

- Сиз менга айтманг, Акбарни ишонтиришингиз лозим!
- Сизнинг хаёлингизга \_\_\_\_\_ эканлиги тўғрисидаги фикр келмадими?

Талабалар фикрлари қандай бўлишидан қатъий назар, унга муносабат билдиришга шошилмаслик мунозара юритишнинг қатъий қоидаси бўлиб ҳисобланади. Шу билан бирга ўқитувчи фикрларнинг мантиқсизлигига, яққол қарама-карши, асоссиз фикрларнинг билдирилишига ҳам йўл қўймаслиги лозим. Одобли луқма билан фикрларнинг асослилигини, айтилган ёки қўллаб-қувватланган фикрнинг тўғрилигини ойдинлаштириб, уларда айтилган ғоянинг мантиқий оқибати тўғрисида фикрлашга қизиқиши үйфотиши зарур.

Америкача мунозара стратегияси турли шаклларда ташкил этилиши эътироф этилган. Бизнинг амалиётда энг кўп тарқалган тури- бу “тлемунозара” ҳисобланади ёки аникроқ айтадиган бўлсак, журналист Қуддус Аъзамнинг ўкувчилар билан тлемулоқоти шу стратегияга мисол бўлади.

Тлемулоқотнинг афзалиги шундаки, бунда бир вақтнинг ўзида гурухда маъруза ва мунозара методларини қўллаш имкониятини беради. 3-5 киши бўлган гурух олдиндан танланган мавзу бўйича бошқа қатнашчи (томушабин)лар иштирокида мунозара ўтказадилар. Томушабинлар муҳокамага кейинроқ қўшилишиб, ўз фикрларини айтишади ёки савол берадилар.

Телешоу шаклидаги мунозарада берилган мавзу бўйича турли фикрларни бирмунча аниқ ифодалашга имкният тўғилади. Албатта, бу ерда муҳокамага жалб этилганлар сухбатга пухта тайёргарлик кўришлари ёки шу соҳа билимдонлари бўлишлари билан биргаликда асосий мавзудан четга чиқиб кетмасликлари керак.

Мунозара иштирокчисига эслатма:

1. Мунозара – ўзаро муносабатларни аниқлаш шакли эмакс, балки муаммоларни ҳал қилиш стратегиясидир.

2. Жуда кўп гапирманг, бошқаларга имкон беринг.
3. Ўйлаб гапиринг, сўзларни мулоҳаза билан айтинг, хиссиётларингни назорат қилинг, шундагина ўз мақсадингизга эришасиз.
4. Мухолиф нуқтаи-назарини тушунишга интилинг, уни хурмат қилинг.
5. Одоб билан эътиroz билдиринг: айтилган фикрни бузиб, маъносини ўзгартирманг.
6. Ноқулай ҳолатга ёки жаҳолатга тушиб қолмаслик учун мухолиф айтган сўзга ҳеч нарсани қўшимча қилманг, у айтган фикрда сирли мақсад ва ҳийла ишлатишга чоғлаши ётибди, деб гумонсираманг.
7. Сўзлар таъсирига ўта берилиб кетманг.
8. Ўзингиз кам хабардор бўлган масалалар бўйича фикр айтишга шошилманг.
9. Фақат мунозара мавзусига оид фикрни айтинг. Ўзингизни жуда ҳам билимдон, умумий ақл-заковатли қилиб кўрсатманг.
10. Ўз нутқи билан бирор кишини ниҳоятда қизиқтириб алдаш ёки ранжитишга йўл қўйманг.

### **Назорат саволлари**

1. Ўқув мунозарасининг ўзига хосликлари.
2. Ўқув мунозарасини ташкил этиш методикаси.
3. “Мунозара”ни ўтказиш усули:

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ишмуҳамедов Р.Ж. Инновацион технологиилар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари /Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультети тингловчилари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқитувчилари учун услубий тавсиялар. – Т.: ТДПУ, 2004.
2. Воинова М.Г. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. – Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2006
3. Жукова Е.Д. Технология организации и реализации самостоятельной работы студентов : рабочая тетр. – Уфа : Изд-во БГПУ, 2004.

## **7-МАВЗУ. ЎҚУВ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ФАСИЛИТАТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ. РЕЖА:**

1. Фасилитация тушунчаси.
2. Фасилитацион ёндашувнинг ўзига хосликлари.
3. Фасилитацион фаолиятнинг дидактик имкониятлари.

**Таянч тушунчалар:** фасилитация, онглилик, фаоллик, психика-субъективлиги, мослашганлик, онглилик, қайғуриш, мақсадга йўналганлик, мотив, фаолият технологияси

**1.Фасилитация тушунчаси.** Замонавий шароитда жамиятимизда юз берадётган ижтимоий-иктисодий, сиёсий, маънавий соҳадаги ўзгаришлар таълим тизимиға ҳам янгиликлар киритиб боришини жадаллаштирумокда. Жумладан, таълим жараёнини ташкил этиш шарт-шароитларнинг шакл ва механизмларини ўзгартиришга ҳам зарурат туғилмоқда. Айниқса, мазкур ҳолатни касбий таълим соҳасида яққол кузатиш мумкин. Шу нуқтаи назардан фасилитацион ёндашув масаласи педагогика ва психологияда тобора қизиқарли характер касб этиб бормоқда.

Фасилитация сўзи инглиз тилидан олинган бўлиб, facilitate – ёрдам бериш, енгиллаштириш, кучайтириш деган маъноларни англатади. Фасилитация –талабага ижобий таъсир этиш йўли бўлиб, гурухда ижобий мухитни ҳосил қилиш, таълим олувчиларни ўз кучларига ишонишларига эришиш ва мустақил фаолиятларида уларни қўллаб қувватлашdir.

Хозирги вақтда фасилитациянинг ижтимоий ва педагогик турлари ажратилиб кўрсатилади. Ижтимоий фасилитация ижтимоий психологик феномен ҳисобланади. Ижтимоий фасилитация лотин тилида - “socialis facilitar” – ижтимоий қулайлаштириш деган маънони англатади. Педагогик фасилитация эса таълим олувчиларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш асосида таълимнинг (ўқитиши, тарбия) самарадорлигини кучайтиришга хизмат қиласи. Бунда педагог томонидан алоҳида мулоқот усулининг касбий-педагогик жараёнда кўлланилиши натижасида сифат жиҳатдан ривожланишга эришилади.

Фасилитациянинг юқорида айтиб ўтилган икки турини маълум шартшароитлар боғлаб туради. Яъни, фасилитация ҳар қандай фаолият, шу жумладан педагогик фаолият самарадорлигини ошириши, шубҳасиз. Фасилитациянинг бу икки тури орасидаги асосий фарқ шундаки, ижтимоий соҳада фаолиятни қўллаб-кувватлашдасубъектни хатти-ҳаракатлари асос сифатида хизмат қиласи. Педагогик фаолиятда эса, фасилитация педагогнинг талабалар билан индивидуал мулоқот усули ва таълим олувчи шахсига самарали таъсир этиш билан бевосита боғлик.

Фасилитация деганда энг аввало, гурухий муаммоларни хал этишнинг самарали технологияси тушунилади. Фасилитация шундай жараённи қамраб оладики, бунда фасилитатор барча гурух аъзоларига маъқул келадиган, нейтрал ва қарор қабул қилишга ҳаққи йўқ, яъни у гурухий муаммоларни хал этишга кўмаклашади.

“Фасилитация” тушунчаси англанилган ва мақсадга йўналган фаолиятнинг кўриниши бўлиб, педагогнинг бевосита иштирокини тақозо этади.

**2. Фасилитацион ёндашувнинг ўзига хосликлари.** Фасилитацион ёндашувнинг асосий таркибий қисмларига қуидагиларни киритиш мумкин:

1. Фаолият – шахсни ривожланишидаги асосий хал қилувчи воситаси ва одамни кўпқиррали фаол мақсадга йўналтиради. А.Н.Леонтьев “Фаолият хаётнинг бирлигидир ва психиканинг асосланган аксиидир” деб таъкиидлайди. Г.П.Щедровицкий эса фаолиятга шундай таъриф беради: ”Фаолиятсиз ишлаб чиқариш воситалари ҳам, белгилари ҳам, санъат намуналари ҳам йўқдир: фаолиятсиз инсонларнинг ўзи ҳам йўқ хисоби”.

Турли хил ҳаракатларда иштирок этиш билан англанилган фаолиятда қатнашиш турли хил нарсалардир. Психологияда шахснинг муҳим хусусиятлари сифатида қуидагилар ажратиб кўрсатилади: онглилик (англанганлик) ва фаоллик; психика-субъективлилиги, фаоллик, мослашганлик; онглилик – қайғуриш, билим ва муносабатлар; фаолият – фаоллик, онглилик, мақсадга йўналганлик, мотивларга эгалик. Бу барча

хусусиятлар билиш жараёнига қаратилган бўлиши керак. Аммо анъанавий таълим тизимида бу жиҳатлар ҳамма вақт ҳам ҳисобга олинмайди. Психологик адабиётларда таъкидланишича, бевосита фаолият жараёнида, яъни ўзида режалаштириш, ташкиллаштириш, натижаларни таҳлил этиш ва референт гуруҳлар билан мулоқотни мужассамлаштирган инсонгинаонгли равища англанган фаолият маъносини тушуниб етади. Фақат ана шу асосга таянган инсонда ғояларнингпайдо бўлиши, мотивлар шаклланиши ва муносабатга йўналганлик кузатилади. Бу формулани А.В.Щедровицкий “янги билимларни ишлаб чиқиш” деб таъкидлаб ўтади.

Ҳар қандай фаолият, хусусан билишга оид фаолият ўзида ўзаро бир-бири боғлиқ қуийдаги таркибий қисмларни мужассам этади:

- мотивлар, қизиқишлир эҳтиёжлари блоки-“психологикмотор” фаолияти;
- операцион–шахснинг аниқ мақсадга йўналтирилган хатти-харакатлари;
- фаолият билан боғлиқ бўлганишибилармонлик ва шахслараро муносабат.

Тўғри ва қайта алоқалар шуни кўрсатадики, битта таркибий қисмнинг ўзгариши, бошқаларининг ҳам ўзгаришга учрашига олиб келади. Бу ўзгаришлар конструктив ёки деструктив йўналган бўлиши мумкин. Мазкур ҳолатда ривожланиш ва фаолиятнинг сусайиши яққол кузатилади.

Фасилитация таълимнинг андроген моделида педагог позициясини ўзгаришини талаб қиласди. Бунга педагогика коллежларидаги ўқитиши жараёнини ҳам киритиш мумкин. Операцион-харакатbosқичи орқали ҳаракат қилинса ўқитувчи рационалликка асосланган ҳолда фасилитацияни амалга оширади, яъни талабаларни аниқ фаолиятга йўналтиради, ёрдам беради ва бошқаради. Шунингдек таълим олувчиларни билиш фаолиятини фаоллаштирувчи янги педагогик технологияларни қидиради ёки бўлмаса педагог ингибитор(ингибитор лотин тилида, *inhibere*, Inhibitum-ушлаб турмоқ, тўхтатмоқ маъноларини англатади) ролига киришади ва таълим

олувчиларни фаоллигини пасайтиради ёки тўхтатиб туради. Ингибицияни психологик нуқтаи назардан кўриб чиқилганда уни жараён ва эзилишнинг натижаси сифатида ёки бўлмаса қандайдир реакциялар, жараёнларни, фаолиятларни, фаолликни пасайиши, ҳаттохи тўхташи деб изоҳлаш мумкин.

Шундай қилиб ахборотларга бой таълим муҳитида асосий фигура таълим оловчи бўлиб, у ўзининг шахсий фаолиятида “ўз-ўзини ташкиллаштирувчи субъект” сифатида намоён бўлади. Ўқитувчи эса таълим муҳитининг имкониятларини қўллаб, уни кейинги ривожланиш мақсадини кўзлаган ҳолда фаолиятга йўналтиради. Шу тарзда фасилитация таълимнинг андроген моделида педагог фаолитининг маҳсус кўринишидир. Қадимги юнонларда шундай ҳикматли сўз бўлган: “Узоқ йўл насиҳат орқали, қисқаси эса ўрнак, ибрат орқалидир”. Айнан шу “қисқа йўл”ни кўрсатиш фасилитаторнинг вазифаларидир.

2. Фаолият субъекти. Фасилитацион ёндашувда фаолият субъектларига ўз мотивларига жавоб бера оладиган, ўз фаолияти давомида уни мақсадга кўра амалга ошира оладиган индивид, гуруҳ ва жамоани киритиш мумкин.

3. Фасилитацион ёндашувнинг функцияларига қўйидагиларни киритиш мумкин:

- фаолиятга қизиқтириш ва фаолиятни рағбатлантириш;
- фаолиятнинг маҳсус тури;
- замонавий педагогиканинг етакчи тамойили;
- таълим жараёнини бошқариш тамойили;
- фаолият технологияси;
- ижодий таълим муҳитини яратиш.

Шунингдек, фасилитацияга асосланган муносабатларни қўллаб-куvvatловчи шахслар хар жиҳатдан кучли ва маъсулиятлидирлар. А.С.Белкиннинг фикрича муҳитни ўзи “омад келтирувчи вазиятларга” шароит яратиб беради. Айнан маълум муҳитда шахс ишонч қозонади ва қадрият сифатида тан олинади. Ўз ўрнида муҳит таълим оловчиларни ижодий фаолиятга рағбатлайди. К.Роджерснинг фикрича “бу тарздаги

муносабатлар ўқитиши жараёнига мос келиб, ҳар жиҳатдан самаралидир”. Аввало, фасилитаторнинг ҳаққоний шахс бўлиши, ҳар бир лаҳзани ўйлаб, хис этиб яшashi лозим. Қачонки, бу ҳаққонилик ўзида талабага нисбатан қадриятли муносабатни, ғамхўрликни, ишонч ва хурматни мужассам этса самарали таълим олиш муҳити пайдо бўлади. Шу билан бирга, мазкур жараён ўзида ҳиссий ва эмпатик идрок этишни жам этса, ҳақиқатдан ҳам эркинлик муҳити мавжуд бўлиб, таълим олишда ташаббускорлик ва илгарилаш юзага келади.

4. Мотив – маълум эҳтиёжларни қондириш билан боғлиқ фаолиятга ундовчи сабабдир. Ўқитувчи фаолияти таълим оловчиларнинг субъектив талабларинигина асосланиб қолмай, балки объектив, бугунги кундаги ва келажакдаги эҳтиёжларни шакллантиради ва мустаҳкамлайди.

5. Мақсад – натижага эришишнинг идеал йўли бўлиб, муваффақиятга йўналган ҳаракатdir.

6. “Фаолият усули” тушунчаси кенг маънога эга бўлиб, таълим фаолият сифатида ўзида билим, кўникма, малакалар, қобилияtlар, мотивларнинг дастлабки кўринишини ўзида акс эттиради.

7. “Фаолият жараёни” тушунчаси “субъект”, “предмет” ва “натижа” мазмунини очиб беради. Шу билан бирга “жараён” тушунчасининг мазмунини “метод” ва “восита” кабилар ҳам очиб беришга хизмат қиласди.

8. Кенг маънода “восита” сўзи маълум бир жараённи предметли қўллаб-қувватлани акс эттиради. Таълим воситалари хилма-хил бўлиб, педагог фаолият мақсадига мос воситани танлаб олиши муҳим аҳамиятга эга. Ана шундагина Бунда фаолият самарадорлиги паст бўлади. Баъзида ўқища шундай вазиятлар бўладики, фаолият воситалари самарали бўлса ҳам кутилаётган натижани бермаслиги мумкин.

Турли хил фасилитациялар ажратиб кўрсатилади. Агар жараённи фасилитатор бошқарса ўз нуктаи назарига кўра гурухга янада самарали бўлган фасилитацияни ривожлантирган иш усулларини тақдим этади. Бунда гурух аъзолари ўзлари муҳокама ва қарорлар қабул қилиш жараёнини олиб

борадилар, фасилитатор эса фақат коррекциялаб яньи муаммони тез ва конструктив ечиш йўлларини айтиб туради.

Педагогик фасилитация концепциясини XX асрнинг 50-йиллари бошларида К.Роджерс ва бошқа гумманистик психологлар томонидан ҳамкорликда ишлаб чиқила бошланди. К.Роджерс мисол сифатида австралияликaborogenларни мисол қилиб кўрсатди. Аборогенлар шундай одамлар гурухики 20 минг йил давомида энг оғир об-ҳаво, иқлим шароитларида кўнишиб, курашиб яшаб келганлар. Замонавий инсонлар эса бир неча кун ичida бундай шароитда яшай олмай ҳалок бўлишлари мумкин эди. Аборогенларнинг тарбия жараёнининг сири шунда эдики, улар ёшларни қандай сув топиш, ўлжани кузатиш, кенгуруни қандай ўлдириш, чўл орқали йўл топиш каби билимларни берар эдилар. Бундай билим тажрибаси урфодатга айланган холда авлоддан-авлодга ўтиб борар эди. Ҳеч қандай новаторлик қобилияти ҳам маъқулланмас эди. Бундай таълим ёш авлодни ҳар қандай ўзгармас ҳаёт шароитида ҳам яшаш учун курашишларини талааб этарди. Бу ёндашув ҳар қандай мухитда ҳам аҳамиятга эга эди. Шунинг учун ҳам юз йиллар давомида бундай таълим ва тарбия ҳеч қандай иккиланишларсиз давом этиб келган. Аммо ҳозирги вақтда инсон шундай тез ўзгариб бораётган шароитларда яшайдики, хаттоки табиат ҳам, социум ҳам тинмай алмасиб, ўзгариб бормоқда. Айниқса ушбу қонуниятга айланган холат профессионал шароитда намоён бўлмоқда ва малакали кадрлар тайёрлаш характеристига таъсир этмоқда. Илмий ахборотлар шунчалик янгиланиб тез суратда тарқалмоқдаки, талабалар вақти келиб шу ахборотларни қўлламоқчи бўлсалар янада янгиларига эҳтиёж сеза бошлайдилар.

Хориж психологиясида педагогик фасилитацияга аталган ишларнинг ҳажми унчалик ҳам қўп эмас (Э.Ф.Зеер, И.В.Жижина ва бошқалар). Бу феноменни олимлар ўрганар эканлар, ундаги алоҳида томонлари ва ривожланишдаги психотехнологияни алоҳида таъкидлаб ўтадилар. Кўплаб

тадқиқотлар педагогик жиҳатидан ўрганганлар масалан, Р.С.Димухаметов, Е.Ю.Борисенко, Л.Н.Куликова, Е.Г.Врублевский).

Е.Ю.Борисенко ўз тадқиқотларида қуйидаги саволларни кўриб чиқади. Фасилитация иш фаолиятида шакл ва методлар, талабаларни экзистенциал шахсга йўналғанлигини, ўзлаштириши паст бўлган мактаб талабаларни ривожланишларини ўрганган.

Л.Н.Куликова ва Е.Г.Врублевский ўз тадқиқотларида фасилитацион мулоқотни педагогик ўзароҳаракат кўриниши сифатида ва ундаги субъектларнинг интенсив; самарали ўзароривожланишларини кўрсатиб ўтган. Фасилитацион мулоқот қадрият сифатида унда қатнашаётган талабаларни ўз-ўзларини ўзгартиришларини, мукаммал бўлишларини таъминлайди. Бундай ўзаро ҳаракатда ўқитувчи қобилиятини ривожланишини таъминлашда, асосий педагогик шароитлар ажратилган.

Р.С.Димухаметовнинг тадқиқотларида эса андрогеник, синергетик, қадриятли-акмеологик ёндашувлар асосида фасилитацион концепциялар ишлаб чиқилган бўлиб, малака системасини ошириш учун назарий фундамент яратиб беради. Мазкур тақдим этилаётган фасилитация технологияси педагогнинг етакчи фаолиятини таъминлаб берувчи, онгни, мустакилликни ривожлантирувчи, шахсий профессионал усулда янги билимларни ишлаб чиқиш учун танлаш хукуқини беради.

Ўқитувчининг талабаларни бошқаришдаги ҳаракат алгоритми ажратиб кўрсатилган бўлиб, қуйидаги “атрибут узук” кўринишида тақдим этилган:

1. Фасилитация фаолиятли мотивни ифодалаб берувчи;
2. Фасилитация мақсадни шакллантиришда;
3. Фасилитация англаш предметини излашда;
4. Фасилитация фаолият методини излашда;
5. Фасилитация англаш усулини излашда;
6. Фасилитация жараённи амалга оширишда;
7. Фасилитация рефлексия сифатида.

Айтиб ўтилган ишларга мурожат қилинар экан, уларни анализ қилиб хулоса қилиш имконини беради, яъни педагогик фасилитация педагогик жараёнга нисбатан, ўқитувчи шахси ва уни талабалар билан ўзаро муносабатга кириша олиш қобилиятига бир қатор талабларни қўяди.

### **3. Фасилитаторлик фаолиятининг дидактик имкониятлари.**

Педагогик фасилитациянинг профессионал таълимдаги аҳамияти фаол тайёргарликка эга мутахассисларни шакллантиришга ўтиш, битирувчига оид стандарт бўлмаган хулосаларни қабул қилиш ва мустақил таҳлил этиш қобилиятига эга шахсни шакллантиришда ёрқин намоён бўлади. Фаол хулқатвордаги эҳтиёж ва мотивлар ижро этишда эмас, балки ўзаро хатти-харакатни мўлжалга олишда тўлиқ намоён бўлади. Шунга кўра ўқитувчининг вазифаси талабаларни ҳамкорликда тўғри мўлжалга олишларини таъминлаш, улар билан бир қатор бошқарув функцияларини бўлишиши, яъни уларни фанга нисбатан чуқур қизиқишларини уйғотиш мақсадида шароитлар яратиш ва ҳақиқий мазмунга эга ўқув мотивларини пайдо қилишдир. Педагогик фасилитация – бу юқори сифатга эга бўлган, амалиётдаги замонавий талабларга мос келувчи мутахассисларни ўқитиш даражасидир. Талабада қанча кўп савол туғилса, шунча кўп билим эгаллайди, бунда унинг ўқув жараёнидаги фаоллиги ҳам назарда тутилади.

Материалнинг ҳар қандай эмоционал ва мантикий мазмунга эга бўлишига қарамай, агар талабалар суст тингловчилар бўлсалар фақатгина маъruzada қатнашиб, маъруза материалини ва мазмунини автоматик кўчириб оладилар, холос. Фасилитацияли таълимда ўқитувчи дорматик методлар ва усусларни эмас, балки зарур маълумотларни ижодий эгаллаш, фикр юритишни шакллантириш, маълум материалдаги янги муаммоларни топиш, имконига эга бўладилар. Бу жараёнда ўқитувчи шундай позицияга эга бўладики, бунда “ўзимас” балки бошқа талабалар билан “биргаликда” ва “амалиётда мавжуд муаммоларни билмаслик”, яъни курс давомида талабалар томонидан иккиланишларга сабаб бўлиши ҳақидаги айловдан қўрқмаслиги керак. Шу тарзда у тадқиқотчи сифатида ўқув жараёнида ўз ролини

йўқотмайди, ўқув дастурига тегишли барча саволларга жавоб берувчи докторат-педагог никобига ўранмайди. Буларнинг барчаси талабаларни ҳар қандай шароитда қизиқувчанликларини ва фаол англашларини ва касбий ўз-ўзини ривожлантириш жараёнини тезлаштириб беради. Педагогик фасилитация концепцияси бир қатор шароитларни яратишни амалга оширади. Улар орасида куйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:  
а) талабалар учун ўқишининг аҳамиятли бўлиши;  
б) ўқитувчининг конгруэнтлилиги;  
в) психологик хавфсизлик ва психологик эркинлик.

Фақатгина талаба учун аҳамиятли таълимгина самарали ҳисобланиб, оддийгина билимларни ўзлаштириш эмас, балки талабанинг ички ҳиссий-когнитив тажрибасини ўзгаришига сабаб бўлади.

Ўқитувчининг конгруэнтлиги шунда намоён бўладики, у бошқа одамларга, талабаларга нисбатан ўз муносабатини англайди, яъни бирга ишлайди, хусусан ўзароҳаракатларни амалга оширади. Талабаларни қандай вазиятда бўлишига қараб, ўзининг ҳақиқий муносабат ҳиссини тушуниб қабул қила олади. Бу орқали ўқитувчи таълим олувчилар билан очик муносабатда бўлиш имконига эга бўлади. Фасилитация жараёнидаги психологик хавфсизлик шахсни қадрият эканлигини тушуниб этиш ва ташқи баҳолаш мавжуд бўлмаганг шароитни яратиб бера олишда намоён бўлади.

Психологик мустақиллик талабаларни креативлигини ва уларнинг ўзларини ифода эта олиш хусусиятини шакллантиришни таъминлайди. Фасилитация фикрларни, ҳиссиётлар ва холатларни очилишига имкон беради. Бунда у самимий ишонч, кутилмаган образ уйғунлиги, ижодий бўлган тушуниш ва англашни таъминлайди.

Таълим жараёнидаги шароитда фасилитацияни тўғри ташкиллаштиришга риоя этиш, қуйидаги сифатларни шаклланишига туртки бўлади. Масалан, мустақиллик, фаол англаш, касбни эгаллашга йўналганлик ва бошқалар. Буларнинг барчаси келажакда талабаларни етакчи мутахассис бўлишларида муҳим роль ўйнайди.

Ўқитувчи-фасилитатор гурӯҳни ҳамкорлиқда ишлаш жараёнини қулайлаштириш ҳисобигатаълимни самарасини оширади. Шунга кўра ички гурӯхий ўзароҳаракатнинг шакл ва усуллари муҳимдир: таълим олувчилар бир-бирлари билан қандай гаплашаётганликлари, муаммони умумий тушунишлари, низоларни ҳал қилиб тўғри холосани қабул қилишлари керак бўлади.

Фасилитация фаолиятига асосланган ўзароҳаракат қобилиятини ривожланиши— педагогик таълимдаги педагогик жараённинг долзарб мақсадларидан бўлиб, фасилитация шахснинг мавжудлигини, уни потенциал имкониятларини, жамиятда шахс бирлигини таъминлайди.

Фалсафада фасилитация тушунчasi мустақил тушунча сифатида ажратиб кўрсатилмайди, лекин уни шахсни тушунишдаги турли хил ёндашувларни таҳлил қилиш асосида кўриб чиқиш мумкин.

Шахсга фалсафий ёндашувлардан келиб чиқиб, (Ф.Гегель, И.Кант, Сукрот) фасилитация фаолиятига асосланган ўзароҳаракат қобилияти шахсни аниқлаб беришда унинг руҳий, маънавий жиҳатдан юксалашини таъминлайди (В.Франкл, В.С.Соловьёв, Н.А.Бердяев, М.М.Бахтин, М.Хайдеггер, М.Хайдеггер, Ж.А.Коган, М.С.Каган, М.М.Бахтин, Л.П.Буева, В.С.Библер, М.Бубер, М.Шелер, М.К.Мамардашвили, В.П.Зинченко, М.Хайдеггер, Л.А.Коган, Н.А.Бердяев).

Г.С.Батишеа, Н.А.Бердяев, М.Бубера, Н.О.Лосского, Ф.Ницше, В.С.Соловьёва, В.Франкла, М.Шелера ва бошқаларнинг фалсафий-назарий тадқиқотларини таҳлил қилинганда фасилитация фаолиятига асосланган ўзароҳаракат қобилияти инсоннинг асосий қадрияти эканлигини аниқлашга ёрдам беради.

Н.А.Бердяев, М.М.Бахтин, М.Вебер, Ж.А.Коган, М.С.Каган ва бошқаларнинг асосан тадқиқотларида аниқланишича, фасилитация фаолиятига асосланган ўзароҳаракат қобилиятини ривожланишида, аксиологик томондан олиб қаралганда ижодий жараён хар доим табиатга ва

ижтимоий ривожланишда, шахсни ўз-ўзини ривожланишидаги эҳтиёжларини амалга ошириш жараёни, ўзида жавобгарликни қабул қилиши аҳамиятга эга. Б.Г.Ананьев, А.Н.Леонтьев, В.М.Мясищев, С.Л.Рубинштейнларнинг психологик тадқиқотлари фасилитацияга қодир шахс ҳақидаги тасавурларни беради ва мукаммаллик, индивидуаллик, фаолликни очиб беради. Шунингдек, Л.Н.Куликова, Г.А.Цукерман, Б.М.Мастеров, А.А.Ухтомскийларнинг фикрича, инсоннинг ички ҳаёти орқали–эмоциялар, муносабатлар, қадриятларни қабул қилиш, кўнизиш, ҳаракат қилиш каби ўз-ўзини ривожлантирувчи хислатлар пайдо бўлади.

А.А.Бодалева, Л.С.Выготский, А.Н.Леонтьевлар ўз тадқиқотларида психологик жиҳатдан фасилитация фаолиятига асосланган ўзароҳаракатни бошқа одамларнинг ҳаётий дунёларига кириб бориш шакли сифатида, инсонга нисбатан муносабатларни қуришда қадрият сифатида ва “ўз-ўзига нисбатан муносабат” шаклида шахсни мулоқотчанлиги орқали амалга оширилади.

Б.Г.Ананьев, Л.И.Божович, Б.С.Братусь, И.С.Кон, А.Н.Леонтьев, С.Л.Рубинштейнларнинг тадқиқотларидан келиб чиқиб, фасилитация фаолиятига асосланган ўзароҳаракат қобилиятини етук шахснинг юқори ривожланиш даражаси сифатида қараш мумкин. Бунда ҳаётдаги мотивацияли маънога эга бўлиши юқори инсоний қадрият бўлиб, аввало бошқа одамларнинг шахсий имкониятларини уларнинг сифатларини очиб беришга ва муваффақиятли ўзароҳаракатни амалга оширишга имкон беради.

Фасилитацияга қобилиятли бўлиш–бушундай англаш сифатики, шахс бўлиб етишиш учун руҳий етуклиқ, эмоционал барқарорлик, ўз дунёси билан янги руҳий-амалий бирлашиши, яхлитлилик ва бир хил ўхшашлик сифатларига эга бўлишdir.

Фасилитация фаолиятига асосланган ўзароҳаракат қобилиятининг бўлиши ўзида қуйидагиларни таркиб топтиради:

- эмпатия;
- қабул қила олиш;

- қадриятли ўз-ўзини қабул қила олиш;
- рефлексивлик;
- креативлик;
- толерантлик;
- бошқа одамалар билан чуқур мuloқотда бўлиб, мuloқот вақтида ёқимли, психологик иқлим яратса олиш.

Фасилитация ҳақида сўз кетганда, албатта фасилитатор фаолияти эътиборга лойиқдир. Фасилитатор тренердан фарқли ўлароқ эксперт хисобланмайди. У қатнашувчиларни ўқитмайди, аксинча уларга гурухий ишлаш учун маҳсус технологияларни тақдим этади. Фасилитатор гурухга ёрдам беради, муаммолар ечимини топишга ҳаракат қиласди. Фасилитатор қатнашувчиларни ишга йўналтириб боради ва натижаларни мувофиқлаштириб боради ҳамдатақдим этилган топшириқларни қоидага мувофиқ қатнашувчилар томонидан бажарилишини кузатади.

Фасилитатор – дарс самарадорлигини ошириш мақсадида гурухларда гурух ишини ташкил этувчи, олиб борувчи шахс. Машғулотда регламент, норма ва машғулот учун қулай шароит яратувчи. Гурух аъзоларини жипслаштирувчи, самарали ишлаш муҳитини яратувчидир. Фасилитатор – давра сухбатларини, мунозара, мушоира, дебат, семинар, тренингларни олиб борувчининг ёрдамчисидир. Унинг мақсади – гурухда гурух аъзоларини кўллаш-куватлаш, олдида турган вазифани бажаришга йўналтиришдир. У гурух аъзоларининг шахсий ва касбий ривожланишларига қулай муҳит яратиб берувчи шахс. Фасилитатор гурухларда ўзаро бораётган мuloқот жараёнини олиб борувчидир.

Фасилитатор гурухда ишни ташкил этиш, уни амалга ошириш жараённинг самарадорлигини таъминлайди. Унинг вазифаси гурухда ҳамкорликни, ҳамфирлиликни, ижодий муҳитни яратиш, гурухни жипслаштириш ва вақт регламентини бошқаришдир. Фасилитатор гурухларнинг бир-бирини кўллаб-куватлашга, ўзаро ёрдам бериш муҳитида иш юритишга йўлловчидир.

Гурухларда ишнинг муваффақиятли кечиши, сессияларда ишнинг жонли муроқотларга бой бўлиши фасилитаторнинг фаоллиги ёки бефарқлиги билан белгиланади. Гурухларда сессияларни олиб боришдакўп киррали ишлар йўлга қўйилиши керак, руҳий ҳолатни бошқариш, вазиятлардан чиқа олиш, қўпчиликнинг диққат-эътиборини йўналтира олиш, жалб эта олиш билан белгиланади.

Гурухларда иш олиб бориш жараёнида фасилитаторнинг функциялари куйидагича бўлиши, ишнинг муваффақиятли кечишига олиб келади:

Биринчи. У фаолиятга дирижёрлик қиласи. гурухдаги ҳар бир аъзони пайқаши, ривожлантириши, энг кичик ғоя ўртага ташланса ҳам дарҳол уни кўллаши керак. Эътиборни кам ташаббусли аъзога қаратиб ҳаммани шу ғояни ривожлантириш, хулосаларга келишга ундаиди.

Иккинчи. Бу фаолият фасилитатордан “башорат” қила олиш қобилиятини талаб этади. Яъни гурухдаги туғилаётган вазиятни пайқай олиш, қисқа вақтда масалани ечими томон буриш. Эркин фикр юритишга, тортинмасдан ўз ғояларини айта олишга йўллайди.

Учинчи. Фасилитатор вақт келганда (ракқос) ўйинчи ҳамдир. Яъни гурух ишини дадил, қўрқмасдан ўз кетидан эргаштириш керак. Гурухдаги вазиятни секинлаштириш, тезлаштириш, жонлантириш, гоҳо илгари кўзда тутилган сценарийдан чиқишга ҳам бориш мумкин. Тиниб-тинчимай олға босиш унинг шиорига айланмоғи зарур.

Тўртинчи. Тиниб тинчимайдиган, изланувчи фасилитатор тажриба синов ишларини йўл-йўлакай ҳал эта оловчи, керак бўлса илгари учрамаган, кўзда тутилган йўлларни излаб топиб ностандарт йўллар билан мантиқан ўйлаб катта ғоялар ечимини топа оловчиидир.

Бешинчи. Олмосдек қайралган инсон сифатида гурухдаги иш жараёнини бирор кичик ғоя танлаш, кутилмаган бирор савол ташлаш орқали сифатли, самарали кечишига йўналтиради, мақсадга эришади. Гурухда ижодий, инновацион фаолият яратади олади.

Олтинчи. Гурух ишининг боришида у актёрлик функциясини бажаради. Агар фасилитатор жараёнга жон жаҳди ва бутун вужуди билан киришса, гурух иши жонланади, уйғониш, интилиш ҳолатлари содир бўлади.

Еттинчи. Фасилитатор гурух ишлаётган мухит ҳимоясида бўлиши керак. Гурухда ишлаш жараёнида, аъзолар томонидан билдирилаётган ғоялар (ҳатто у жуда арзимас бўлса ҳам) кўллаб-куватланиб, эътиrozсиз иш тутилса, гурух иши муваффақиятли кечади. Ҳар бир айтилган фикр ва ғояни ривожлантириб, асосий ечим томонга борилади, гурухда ёмон ғоя йўқ-унда бирор фикр бор.

Саккизинчи. Фасилитатор қонун ва қоидалар хизматчиси. Ундан ишchanлик ўйинлари жараёнида гурухларда ўрнатилган қоидалар, регламентларга қатъий риоя қилишини йўлга қўйиш талаб этилади.

Тўққизинчи. Фасилитатор гурухларда иш жараёнининг дастёридир. Айрим фасилитаторлар гурухдаги иш жараёнида ўз мавқеидан фойдаланади, яъни иш жараёнини ўз қўлига олмоқчи, ғояларини ўтказмоқчи бўлади. Ўзи ўйлагандек йўлга бурмоқчи бўлади. “Беминнат” хизмат қилишни мўлжалга олади. Бундай ҳолларда гурух аъзолари фаол жалб қилиниб, иш тутилганидагина ўзига хос оригинал ечимлар қидириш зарур.

Ўнинчи. Юморни ҳис қилиш, уни тушуниш фасилитаторнинг энг кучли хислатларидандир. Юмор гурухдаги психологик тўсиқларни енгишга ёрдам беради.

### **Назорат саволлари**

1. Фасилитация тушунчаси.
2. Фасилитацион ёндашувнинг ўзига хосликлари.
3. Фасилитацион фаолиятнинг дидактик имкониятлари.
4. Мотивлар, қизиқишлиар эҳтиёжлари блоки-“психологикмотор” фаолияти.
5. Операцион–шахснинг аниқ мақсадга йўналтирилган хатти-ҳаракатлари.

6. Фаолият билан боғлиқ бўлганишбилиармонлик ва шахслараро муносабат.
7. Фасилитацион ёндашувнинг функциялари.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ишмуҳамедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари /Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультети тингловчилари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқитувчилари учун услубий тавсиялар. – Т.: ТДПУ, 2004.
2. Воинова М.Г. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. – Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2006
3. Жукова Е.Д. Технология организации и реализации самостоятельной работы студентов : рабочая тетр. – Уфа : Изд-во БГПУ, 2004.

## **АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **Интерфаол таълим технологияларини лойиҳалаш ва режалаштириш**

Таълимни ташкил этишнинг интерфаол шаклларини таснифлаш. Интерфаол таълим технологияларига асосланган ўқув мақсадларини аниклаштириш. Интерфаол таълим технологиялари асосида ўқув машғулотининг технологик модели ва картасини тузиш.

### **Интерфаол таълим стратегиялари**

Интерфаол таълим стратегияларини таснифлаш. Машғулотнинг даъват, англаш ва фикрлаш босқичида қўлланиладиган ўқитиш стратегияларини қўллаш қоидаларини аниклаштириш. Мутахассислик фанидан бир мавзу мисолида машғулотнинг даъват, англаш ва фикрлаш босқичида қўлланиладиган ўқитиш стратегияларини амалиётда қўллаб кўрсатиш.

### **Кейс стади ва уни қўллаш методикаси**

Кейс манбалари, кейсни яратиш тамойиллари ва босқичларини аниклаштириш. Кейс технологиясидан фойдаланган ҳолда машғулотларни ташкил этиш алгоритмини ишлаб чиқиш. Мутахассислик фани билан боғлиқлиқда кейс топшириқларини ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллаб кўрсатиш.

### **Мунозарани ташкил этиш методикаси**

Ўқув мунозарасини ташкил этиш ва ўтказиш босқичларини лойиҳалаш. Муноазара асосида машғулотни ўтказишда қўлланиладиган методларни аниклаштириш ва мисоллар ёзиш. Дебатларни ташкил этиш ва ўтказиш босқичларини лойиҳалаш ва режалаштириш.

### **Фасилитацион таълим стратегиялари**

Open Space – “Очиқ муҳит” стратегияси. World Cafe – Жаҳон кафеси стратегияси. Appreciative Inquiry – “Ижобий ўзгаришлар парадигмаси” стратегияси. Dynamic facilitation – Динамик фасилитация стратегияси. Graphic facilitation – График фасилитация стратегияси. Action Learning – Бошқалар тажрибаси асосида ўқитиш. Таълимий веб-квест стратегияси.